



Шодиёна кунлар муборак бўлсин!

Раҳмат ва мағфират ойи – Рамазони шариф мустақил юртимизда ҳар қачонгидан ҳам файзли, баракотли ўтмоқда. Бу ойда барчамиз эмин-эркин рўзаларни тутиш, жоме масжидларимизда таровеҳ намозларини ўқиш, элимиз фаровонлиги, мустақил юртимиз тараққиётини тилаб дуои хайрлар қилиш бахтига мушарраф бўлмоқдамиз.



Усмонхон АЛИМОВ,
Ўзбекистон муслмонлари
идораси раиси, муфтий

Юртимизда Рамазон ойининг ғанимат тунлари таровеҳ намозларида Қуръонни хатм қилиш яхши анъанага айланган. Қуръони каримни ёд олган ёш қориларнинг йилдан-йилга кўпайиб, хатм ўзказиладиган масжидлар ҳам ортиб бормоқда. Бу йилги Рамазон ойида диёримизнинг саккиз юзга яқин масжидларида намозхонлар Аллоҳнинг каломига сомеъ бўлишяпти. Бундай фурсатларда қилинган эзгу дуо ва илтижолар ижобат бўлмай, иншааллоҳ!

Рамазон меҳр, шафқат, саховат ойи, юраклар юмшаб, ғуборлари кетади. Бу ой бизга инсон фақат ўз фойдасини эмас, бошқаларни ҳам ўйлаб яшаши кераклигидан сабоқ беради.

Айниқса, “Обод турмуш йили” шиори билан қилинаётган эзгу ишлар Рамазон ойида янада жонланди. Ўзбекистон муслмонлари идораси ва унинг жойлардаги жоме масжидлари ходимлари эзгу амалларимизни кўпайтиришга астойдил бел боғладилар. “Ким бир кишига энгиллик яратиб берса, Аллоҳ унга қиёматда энгиллик беради” деган ҳадиси шарифга амал қилиб, эҳтиёжманд, боқувчисини йўқотган оилаларга, ёши улў кексалар ва фахрийларимизга ҳурмат-эҳтиром, меҳр-мурувват, саховат кўрсатдилар. Кам таъминланган оилаларга, меҳрибонлик уйларига бориб, ёлғиз, кекса, ногиронлар ҳолидан хабар олинди. Уларга беғараз ёрдамлар кўрсатилиб, кўнгиллари обод этилди.

Бундан буён ҳам, эзгу амалларда, меҳр-оқибат, қаноат ва шукроналик, ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик хислатларини янада кучайтиришда давом этайлик, ёмонликлардан йироқ бўлиб, мунаввар кунлар шукронасини қилиб яшаш ҳаёт тарзимизга айлансин.

Бу йил Ўзбекистон муслмонлари идораси ташкил этилганига 70 йил тўлади.



Давоми 5-саҳифада

Бузғунчилардан асрайлик

Ота-боболаримиз Ватанни гўзал боғ дейишлари бежиз эмас. Боғ-ку боғ, ундаги бир дарахтни ёхуд бир гулни авайлаб ўстириш, парваришlash учун қанча меҳнат, маблағ, умр сарф бўлади. Бироқ ўша гулни кимдир бир нафасда пайҳон қилиши ҳеч гап эмас.

Ислом таълимоти бузғунчиликни, одамлар қалбига ваҳима, душманлик ва фитна уруғларини сочишни қаттиқ қоралайди. Аллоҳ таоло огоҳлантиради: **“Одамлар орасида шундай кимса ҳам борки, унинг дунё ҳаёти тўғрисидаги гапи Сизга қизиқарли бўлади. Дилидаги “имони”га Аллоҳни гувоҳ қилади, ваҳоланки, ўзи (Исломга нисбатан) душманларнинг ашаддийсидир. (Олдингиздан) кетганида ерда фитна-фасод, экин ва наслни ҳалок қилиш ишлари билан юради. Аллоҳ эса, фасодни (бузғунчиликни) ёқтирмайди”** (Бақара, 204–205).

Жаҳонда геосиёсий кучлар мувозанатининг ўзгариши, айрим ривожланган давлатларнинг “демократия”сини “экспорт” қилиш (Грузиядаги “Атиргул инқилоби”, Украинадаги “Оловранг инқилоб”, Югославиядаги “Булдозер инқилоби”, Қирғизистондаги “Лола инқилоби”, Тунис, Ливия, Миср, Яман, Баҳрайн, Сурия каби араб мамлакатларидаги “Араб баҳори” каби рангли инқилоблар) орқали дунёга ҳукмронлик учун очиқдан-очиқ даъвогарлик хуружлари бугун ҳеч кимга сир эмас.

Дарвоқе, мутахассислар араб мамлакатларидаги тўпалонларнинг сабаблари ғарб матбуоти ёзганидек, порахўрлик, ишсизлик ва камбағаллик эмас, балки интернетдаги турли ижтимоий тармоқлар орқали гўл ёшларни ҳукуматга қарши гиж-гижлаш эканлигини таъкидлашади.

“Араб баҳори” бошланиши олдидан бузғунчи тоифалар асосан “Twitter”, “Facebook” ва “YouTube” каби ижтимоий тармоқлардан кенг фойдаланишгани маълум бўлди.

Халқимиз, айниқса, ёшларимизни тинчлик ва барқарорликнинг қадрига етишга ўргатиш, уларга дунёнинг турли мамлакатларида кечаётган ўзгаришларни тушунтириш “оламонча маданият” ва бузғунчи оқимлар таъсирига тушиб қолмасликлари учун кенг миқёсда тарғибот ишлари олиб боришимиз зарур.

Холмамат ХУРРАМОВ,
Зангота тумани “Анас ибн Молик”
жоме масжиди имом-хатиби

Журналнинг 2013 йил 1-сонидан бошлаб янги саҳифалаш ва ўзга бадий безаш услуби Жамшид Саъдиновники.

«HIDOYAT»

Ойлик диний-маърифий,
илмий-адабий нашр

Муассис

Ўзбекистон мусулмонлари идораси
«Мовароуннаҳр» нашриёти

Бош муҳаррир

Нуруллоҳ МУҲАММАД РАУФХОН

Таҳрир ҳайъати

Усмонхон АЛИМОВ
Абдулазиз МАНСУР
Абдураззоқ ЮНУС
Ортиқбек ЮСУПОВ
Анвар ТУРСУН
Аҳад ҲАСАНОВ
Зоҳиджон ИСЛОМОВ
Абдулҳамид ТУРСУН
Ҳайдархон ЙЎЛДОШҲЎЖАЕВ
Баҳодир КАРИМОВ
Эркин МАЛИК
Муҳаммад Шариф ЖУМАН
Исомиддин ОЛИМОВ
Абдул Жалил ХЎЖАМ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Муҳтарама УЛУФОВА

Хаттот

Ислом МУҲАММАД

Бадий муҳаррир

Элнур НИЁЗ ўғли

Саҳифаловчи

Баҳром ИКРОМОВ

Матни

Раҳима КАРИМЖОН қизи терди.

Манзилмиз

100002, Тошкент шаҳри
Зарқайнар 18-берк кўча 47^а-уй;
Тел: 227-34-30, 240-05-19.
Интернет сайтимиз: www.hidoyat.uz
Интернет почтаимиз: m-nashr@yandex.ru
Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва
ахборот агентлигида рўйхатга олинган.
Гувоҳнома рақами 0177.

Босишга 2013 йил 18 июлда рухсат берилди.
Босмаҳонага 2013 йил 18 июлда топширилди.
Қоғоз бичими 60x84 1/8. Адади 64.600 нуска.
3015 - сон буюртма. «Sharq» нашриёт-матбаа
акциядорлик компаниясида босилди.
Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.

Қўлёзмалар қайтарилмайди.

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи
назаридан фарқ қилиши мумкин. Келти-
рилган иқтибос ва рақамлар учун муал-
лиф масъул. Хат юборилганида исмлар
тўлиқ, манзил аниқ ёзилсин. Мақолалар
кўчириб босилса ёки иқтибос олинса,
«Ҳидоят»дан олингани кўрсатилиши шарт.

Журналимиз саҳифаларида оят
ва ҳадислар берилаётгани учун
уни ножоиз жойларга ташламас-
лигингизни сўраймиз.

ТАФСИР

ДУНЁ ҲАЁТИ
ҲАҚИҚАТИ 4

Имом Мотуридидий айтади: “Бу дунё ҳаёти фақат бир (арзимас) матоҳдир. Албатта, охиратгина (мангу) барқарорлик диёридир”. Яъни дунё ҳаёти сизларга ажалларингиз етгунича бериладиган вақтинчалик имкондир. Осий ҳам, ито-аткор ҳам ўз ажалига шу имкон билан етади.

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

“ОЛОМОНЧА
МАДАНИЯТ” ХУРУЖИ 8

Бугунги кунда яланғоч аёлларнинг суратларига қараш ва фаҳш филмларни кўриш уят бўлмай қолмоқда. Болаларга бағишланган баъзи оломонча мулфилмлар ҳам фарзандларимизни гўё бу каби қабоҳатларга ёшлик вақтиданоқ тайёрлаб келмоқда, десак муболаға бўлмайди. Шундай экан, фарзандларимиз ўтказаяётган ҳар бир дақиқани назорат қилиш, уларнинг мурғак қалбларини оломонча маданият таъсиридан ҳимоялаш биз катталарнинг вазифамиздир.

МАСАЛА

СЎРАГАН ЭДИНГИЗ... 12

Саволдаги иккинчи масала оила таъминоти. Шариатимиз аҳли-аёл ва фарзандларнинг ейиши-ичиши, кийим-кечак ва бошқа турли эҳтиёжларини таъминлашни тўлалигича эрларнинг зиммасига юклаган. Эркаклар ана шу жиҳатлари билан оила бошлиғи ҳисобланадилар. Ҳеч қандай ўзи бўлмай, ўзи уйда ўтириб, аёлини пул топиш учун кўчага чиқарган эркак ҳамиятсиз кимсадир.

ХАБАРЛАР

ИСЛОМ ВА ОЛАМ 20

ЮЗ ЙИЛ ЎТИБ

Юнонистоннинг Салоники шаҳридаги “Йени” жоме масжидида деярли бир аср ўтиб, яна намоз ўқилди. Жоменинг ишга тушиши мамлакат муслмонларини жуда қувонтирди. Ушбу масжид 1902 йили Усмонлилар даврида италиялик меъмор Виталиано Позелли лойиҳаси асосида бунёд этилган.

МУНДАРИЖА

Қутлов

Усмонхон АЛИМОВ

Шодиёна кунлар муборак 1

Таянч нуқта

Холмамат ХУРРАМОВ

Бузғунчилардан асрайлик 2

Ҳадис шарҳи

Муҳаммад Сиддиқ МУКАРРАМ

Рамазон ибодатлар ойи 6

Яхшиликка чақириш

Саидакбархон ВАЛИЕВ

Сабр мавсуми 10

Мазҳабимизни ўрганамиз

Имоми Аъзамнинг одоблари, ҳикматлари 11

Яхшиликка чақириш

Ғиёсиддин ҲАБИБУЛЛОҲ Ўғли

Итоатлининг исломи гўзал 13

Валий зотлар

Абдулазиз АБДУЛЛАЕВ

Хожа Алоуддин Аттор 14

Мактубларда манзаралар

Комил ҚАРШИБОЕВ

Онамнинг насиҳати 15

Олисларга саёҳат

Ҳиндистон Республикаси 16

Ёмонликдан қайтариш

Нигора АБДУМУХТОР қизи

Енгиллик кимдан сўралай? 18

Мовароуннаҳр уламолари

Шайх Абдулазиз МАНСУР

Фарғона фақиҳлари 19

Ислом олами

Мақсуд КАРИМОВ

Ислом маданияти пойтахтлари 23

Шеърият

Абдулкарим БАҲРИДДИН

Тонгдан дилга тушди... 24

Ақида

Адҳамжон ЮСУПОВ

Таваккулнинг сирини нимада? 26

Дарс

Муҳаддисларнинг даражалари 27

Қуръон қиссалари

Довуд ва Сулаймон (алайҳиссалом) 28

Шеърият

Икром НАЗРУЛЛО

Кел, Ватан мадҳини бирга куйлайлик 30

Минтақа

Табиат ҳодисалари 31

Мулоҳаза

Зебунисо ҲУСАЙН

Ҳаммаси бугундан бошланади 32

Дунё ҳаёти ҳақиқати

Эй қавмим! Бу дунё ҳаёти фақат бир (арзимас) матоҳдир. Албатта, охиратгина (мангу) барқарорлик диёридир. Ким бирор ёмонлик қилса, унга (охиратда ўша ёмонлиги) баробаридагина жазо берилур. Эркакми, аёлми – ким мўмин ҳолида бирор яхшилик қилса, айнан ўшалар жаннатга дохил бўлурлар. У жойда уларга беҳисоб ризқ берилур (Ғофир, 39 – 40).

Фахриддин Розий айтади: Оятнинг маъноси шуки, бу дунё вақтинча фойдаланилганидан сўнг йўқ бўладиган бир нарса кабидир. Охират эса муқим яшаладиган, боқий ва давомли макондир. Охират боқий ва доимий, дунё эса фоний ва завол топувчидир. Боқий неъмат фоний нарсалардан афзалдир. Орифлардан бири бундай деди: “Агар дунё тугайдиган олтин, охират эса завол топмайдиган сопол бўлса ҳам, охират дунёдан афзал бўлар эди.

يَا قَوْمِ إِنَّمَا هَذِهِ الْحَيَاةُ الدُّنْيَا مَتَاعٌ
وَإِنَّ الْآخِرَةَ هِيَ دَارُ الْقَرَارِ (۳۹)
مَنْ عَمِلَ سَيِّئَةً فَلَا يُجْزَى إِلَّا مِثْلَهَا
وَمَنْ عَمِلَ صَالِحًا مِنْ ذَكَرٍ أَوْ أَنْتَى
وَهُوَ مُؤْمِنٌ فَأُولَئِكَ يَدْخُلُونَ الْجَنَّةَ
يُرْزَقُونَ فِيهَا بِغَيْرِ حِسَابٍ (۴۰).

Ҳолбуки, дунё тугаб битувчи сопол ва охират эса битмас-туганмас олтиндир”.

Бу маънони Расулulloҳнинг (саллаллоҳу алайҳи ва саллам) мана бу ҳадисларида ҳам ўқишимиз мумкин: Ибн Мардуя Абу Ҳурайрадан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дедилар: “Дунё ҳаёти мато (ўткинчи)дир. Унинг неъматлари орасида қарасанг, қувонтирадиган, (уйда) йўқлигингда ўзини ва молингни сақлайдиган

солиҳа аёлдан яхшиси топилмайди” (Имом Суютий, “Ад-дуррул мансур”).

Имом Мотуридий айтади: “Будунё ҳаёти фақат бир (арзимас) матоҳдир. Албатта, охиратгина (мангу) барқарорлик диёридир”. Яъни дунё ҳаёти сизларга ажалларингиз етгунича бериладиган вақтинчалик имкондир. Осий ҳам, итоаткор ҳам ўз ажалига шу имкон билан етади. Охиратнинг барқарорлиги



шундаки, унда яхшилар доимий неъматда, ёмонлар эса азобда қоладилар (“*Таъвилоту аҳлис-сунна*”).

Кейин Аллоҳ таоло: **“Кимки бирор ёмонлик қилса, унга (охиратда ўша ёмонлиги) баробаридагина жазо берилур. Эркакми, аёлми – кимки мўминлик ҳолида бирор яхшилик қилса, айнан ўшалар жаннатга дохил бўлурлар. У жойда уларга беҳисоб ризқ берилур”**, деб охиратда мукофот ва жазо қандай берилишини, ёмонликка унинг баробарича жазо берилишини, яхшилик мукофоти эса ҳисобсиз эканини баён қилди. Бунда Унинг бандаларига раҳм-шафқати устун эканига ишора бор. Зеро, бир гуноҳга фақат ўша гуноҳ баробаридагина жазо берилиб, бир яхшилик эвазига жаннат ва унда беҳисоб ризқ берилиши Аллоҳ таолонинг улкан фазли ва лутфидир.

Аллоҳ таолонинг: **“У жойда уларга беҳисоб ризқ берилур”** сўзи тўғрисида Муқотил (раҳимаҳуллоҳ): “Уларга жаннатда бериладиган неъматлар ҳисоб қилинмайди”, деган. Баъзи олимлар: “Ўша яхшиликнинг савоби улуғ бўлгани учун оятда “ҳисобсиз” ибораси келган”, дейишса, бошқалари: “Аллоҳ таоло уларга амалларининг савобини бериб, унга чексиз фазлидан қўшиб беради”, дейишган. Оятдаги **“беҳисоб”** сўзи ундан олдинги **“баробаридагина”** сўзи муқобилида келган. Бундан банда гуноҳни кўпайтирмаслиги учун унга жазо чеклангани ва белгиланганини, солиҳ амалнинг мукофоти эса ҳисобсизлиги ва чекланмаганини билиб оламиз. Бу эса Аллоҳ таолонинг раҳмати ва фазли Унинг қаҳри ва жазосидан устун эканига далилдир.

Жамшид ШОДИЕВ
тайёрлади.

Шодиёна кунлар муборак бўлсин!

Ватанимиз истиқлоли 22 йилиги халқимиз ҳаётида жуда муҳим ўрин тутди. Зеро, асрий орзуларимиз ушалган ушбу шодиёна кунларга осонликча етиб келганимиз йўқ.

Неча йиллар мобайнида халқимиз миллий-диний анъаналари, эътиқодидан бебаҳра бўлди, ҳақ ҳуқуқлари топталди. Истиқлол йилларида диний ва миллий қадриятларимизни тиклаш, ибодатларимизни эмин-эркин адо этишимиз учун қулайликлар, зарур шароитлар яратиб берилганини, жаҳон илму фани, маданияти ва Ислому таълимоти ривожига улкан ҳисса қўшган ўнлаб алломаларимизнинг илмий мерослари тадқиқ этилиб, қадамжолари обод этилганини алоҳида таъкидлаш керак.

Тарихдан сабоқ олиб тўғри хулосалар чиқаришимиз, унинг асл моҳиятини ёшларга тушунтиришимиз жуда муҳим. Демак, шодиёналаримиз энг улуғ ва энг азиз байрамимиз, Мустақиллигимизнинг 22 йиллигига туташди. Ушбу саодатли кунларда оилаларимизнинг маънавий камолоти, фаровонлиги, фарзандлар бахт-саодати, уларнинг ҳартомонлама етук, одоб-ахлоқли, Ватани, халқи, дину диёнати-га содиқ инсонлар бўлиб камол топишини сўраб, дуолар қилайлик.


Рамазон ҳайити шодлик ва хуррамлик айёми, бу кунларга етказгани учун Аллоҳ таолога ҳамду сано айтиб, ўзаро меҳр-оқибатли, яхши муомалали бўлайлик, гина-кудуратни унутиб, ҳайит ша-рофати туфайли бир-биримизга кучоқ очайлик. Муборак кунларни халқимизга хос меҳр-мурувват, бағрикенглик ва саховат билан ўтказайлик.

Улуғ айём билан барча юртдошларимизни чин дилдан, самимий муборакбод этамиз. Мустақил Ватанимиз истиқболи порлоқ, тинчлиги ва осойишталиги бардавом, халқимиз фаровонлиги янада зиёда бўлишини Аллоҳ таолодан сўраб қоламиз.

Рамазон ҳайитингиз муборак бўлсин, азизлар!

Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) хушхабар берадилар: “Аллоҳ таоло айтади: Одам фарзандининг рўзадан бошқа ҳар бир амали ўзи учундир. Бир яхшилик (савоби) ўн баробардан етти юз баробаргача кўпайтириб берилади. Рўза эса Мен учун ва ажрини ҳам ўзим бераман. Чунки рўздор шахватини, ейиш-ичишини Мен учун тарк қилди. Рўздорнинг икки қувончи бор: ифторда ва Раббига йўлиққанида. Аллоҳ наздида рўздорнинг оғзидан келган ҳид мушкнинг ҳидидан ҳам яхшидир” (Имом Бухорий ва Муслим ривояти).

Рамазон ибодатлар ойи



Рамазон ойида рўза тутиш баъзилар ўйлагани каби шунчаки бир одат бўлмаслиги керак. Бу ойда қилинаётган амалларда ихлос ва ният бўлсагина ибодат ўрнида ўтади. Ҳадиси шарифда: “Ким рамазон рўзаси (фарз экани) ни тасдиқлаб, уни савоб умидида, Аллоҳ учун холис тутса, олдинги гуноҳлари кечирилади”, дейилган (*Муттафақун алайҳ*).

Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Рамазон ойида барча ибодатларни кўпайтирар эдилар. Жаброил (алайҳиссалом) билан Қуръонни такрорлашларини билиб, кўп хайр-садақа берар эдилар. Сахарлик қилишга чақириб: “Сахарлик қилинглар, албатта, сахарликда барака бор”, деганлар (*Муттафақун алайҳ*). Яна бир ўринда: “Бизнинг рўзамиз билан аҳли китоб (насионий ва яҳудий)ларнинг рўзасини сахарлик қилиш ажратиб туради” деганлар (*Имом Муслим ривояти*). Ифторни тезлатардилар ва бошқаларни ҳам шунга буюрардилар. Намоздан олдин ҳўл мева билан оғиз очардилар, агар топилмаса, хурмо ёки бир

икки қултум сув билан оғиз очардилар. Ривоят қилинишича, Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) оғиз очганларида: “Ташналик кетди, томирлар намланди, ажр нақд бўлди, иншааллоҳ”, дер эдилар (*Абу Довуд ривояти*).

Ҳар бир мусулмон рўзанинг фойда ва ҳикматларини билиши, уларга эришишни умид қилиши керак. Рўза тутиш тақвони юзага келтиради. Аллоҳ таоло: “...**сизларга ҳам рўза тутиш фарз қилинди, шояд (у сабабли) тақволи бўлсангиз**” (*Бақара, 183*) дейди. Рўза барча ёмон нарсалардан қутулиш йўлидир. “Ким ёлғон, тухмат ва уларни тасдиқлашни, қўполликни ташламаса, еб-ичишни тарк этишига Аллоҳ таоло муҳтож эмас” (*Имом Бухорий ривояти*).

Рўздорнинг шахвати камаяди ва сабри ортади. Шунинг учун Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) уйланишга қурби етмаган ёшларни рўза тутишга чақирганлар. Рўза тутиш билан инсоннинг ичаклари, ошқозони ва бошқа аъзолари касаллик келтириб

чиқарувчи турли зарарли моддалардан покланади. Рўза инсонда матонат, ирода ва вазминликни шакллантиради. Агар Рамазон ойи ёзнинг иссиқ кунларида келадиган бўлса, рўзадор шунга сабр қилса, Аллоҳ ажрини кўпайтиради ва унга ўзи кутмаган бошқа яхши сифатларни ҳам беради. Асмай айтиди: “Мен Маккада эканимда Рамазон келди. Макканинг иссиғидан қочиб, Тоифга кетдим. Йўлда бир аъробийни учратиб, ундан: “Қаерга кетяпсан?” деб сўрадим. У: “Муборак шаҳарга (Маккага) бориб, муборак ойни ўтказаман”, деб жавоб қилди. Унга: “Иссиқдан қўрқмайсанми?” дедим. У бўлса: “Иссиқдан қочаманми?!” деди”.

Ҳақиқий рўза еб-ичиш ва шаҳватни тарк қилишгина эмас. Ҳақиқий рўза тил, кўз, қулоқ, қўл-оёқлар ва бошқа аъзоларни гуноҳлардан тийишдир. Қалб рўзаси эса дунё ташвишларини унутиб, охират билан машғул бўлишдир. Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Ҳақиқий рўза фақат еб-ичишни тарк қилиш эмас, балки беҳуда ва фаҳш сўзлардан тийилишдир”, деганлар (*Ҳоким ва Байҳақий ривояти*). Жобир (розияллоҳу анҳу) айтиди: “Агар рўза тутсанг, қулоғинг, кўзинг ва тилинг ҳам ёлғон ва ҳаромдан рўза тутсин! Қўшнингга озор берма! Рўза тутган кунинг сенда хотиржамлик ва виқор бўлсин! Рўза тутган кунингни рўза тутмаган кунингдек ўтказма!”

Рамазон ойида рўза тутиш билан бирга бошқа яхши амалларни ҳам имкон қадар бажариш керак. “Ким бир рўзадорни таомлантирса, унга ҳам рўза тутганнинг ажри берилади...” (*Имом Термизий ва Аҳмад ривояти*). Саҳобалар меҳмонсиз ифторлик қилмас эди. Умар (розияллоҳу анҳу) етим ва камбағаллар билан ифторлик қилар эди. Садақа беришни кўпайтириш суннатдир. Бу ойда Пайғамбаримиздан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) нима сўралмасин, албатта берар эдилар. Баъзи уламолар: “Рўза бойлар очлик таъмини татиб кўриши ва очларни унутмаслиги учун шариатга киритилган”, дейишади. Ҳам

рўза тутган, ҳам садақа берган киши гуноҳлари кечирилиб, дўзахдан йироқлашади ва жаннатга киришга яқин бўлади. Қуръон тиловатини кўпайтириш ҳам суннатдир. Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Рамазон ойида Жаброил (алайҳиссалом) билан ҳар куни Қуръон ўқир эдилар. Саҳобалар Рамазон ойида Қуръон ўқишни бошқа ибодатлардан устун қўйишар ва уч кунда ёки бир ҳафтада бир марта хатм қилишарди. Рамазон ойи кирганида Зухрий (рахматуллоҳи алайҳ): “Бу Қуръон тиловати ва тоам бериш ойдир”, деб айтарди.

Муборак қадр кечаси ҳам шу ойда, уни ғанимат билиш керак. Аллоҳ таоло айтиди: **“Қадр кечаси минг ойдан яхшироқдир”** (*Қадр, 3*). Бу кечада қилинган ҳар қандай яхши амал минг ой мобайнида қилинган амаллардан яхшидир. Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Қадр кечасини Рамазон ойи охириги ўн кунлигининг тоқ кунларидан қидиринглар” деганлар (*Муттафақун алайҳ*). Шунинг учун Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Рамазоннинг охириги ўн кунлигида масжидда эътикоф ўтирар эдилар.

Аллоҳ таоло барчамизга бу ойни муборак қилсин. Бу ойдаги эзгу амалларимизнинг савобини кўпайтириб, гуноҳларимиз кечирилишини ва бошқа ойларни ҳам шундай баракали ўтказишимизни насиб этсин.

Мухаммад Сиддиқ МУКАРРАМ

Ҳар бир нарсанинг чегараси бўлади. Ислонинг чегаралари қуйидагилар: тақво, камтарлик, сабр, шукр. Тақво – ишларнинг асоси, камтарлик кибрдан узоқ бўлиш, сабр – дўзахдан нажот топиш, шукр – жаннат билан мукофотланишдир.

Абу Мусо Ашъарий

“ОЛОМОНЧА МАДАНИЯТ” ХУРУЖИ

Оломонча маданият – ахлоқий бузуқлик, зўравонлик ғояларини тарқатиб, шунинг ортидан бойлик тўплашдир. Халқларнинг неча минг йиллик анъана ва қадриятлари, турмуш тарзининг маънавий илдизларини қуритувчи иллатдир.

Ғарб давлатларида бир жинслилар никоҳидан одамлар нафратланмай қолаётганига эътибор берсак, “оломонча маданият” тарғиб этаётган маънавий тубанликлар, беҳаёликлар, қабоҳатлар нақадар чуқурлашиб кетганини тасаввур этиш қийин эмас.

Муқаддас Ислом дини инсон ҳаёти, ақли, дини, насли ва мол-мулкни муҳофаза этишни ўзига мақсад қилди. Оломонча маданият айнан мана шу эзгу мақсадга қарши улкан таҳдид ҳисобланади. Ҳозирги кунда оломонча маданият амалга оширмакчи бўлган асосий иш буюк аждодларимизнинг асл маънавий қадриятларини эскилик сарқитига чиқариш ҳамда инсон ҳаёти, оила муқаддаслиги ва ёшлар тарбиясига путур етказишдан иборат.

Дунёнинг турли минтақалари аро ахборот ал-машинуви, янгиликлардан тезда хабардор бўлиш, албатта, ижобий ҳолат. Лекин кириб келаётган ахборот оқимининг халқимиз учун нечоғлик фойдали экани, бу хабарлар маънавиятимизга етказиши мумкин бўлган зарарлар, уларнинг олдини олиш ҳақида ўйлаб кўришимиз шарт.

Жамиятнинг маънавий юксалишига раҳна солаётган бундай таҳдидларга қарши кураш фақат юксак маънавият, огоҳлик, хушёрликка даъват билан амалга ошиши мумкин. Бу йўлда таълим-тарбия, маънавий-маърифий тарғибот, айниқса, оиланинг ўрни аҳамиятли. Зеро, тарбия оиладан бошланади.

Муқаддас динимиз инсон хулқига путур етказиши мумкин бўлган барча катта ва кичик иллатлардан мусулмонларни огоҳлантиради. Бу

каби қабоҳатлардан четланиш йўллари ҳамда уларга қарши кураш усулларини таълим беради. Жумладан, кишини жарликка қулатиб, дунё ва охират саодатидан маҳрум этувчи зино ҳақида огоҳлантириб, уни ва унга олиб борувчи воситаларни ҳаром қилди. Шунингдек, бу гуноҳнинг кўринишидан бири бўлган “кўз зиноси” ҳақида хабар берди. Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) айтди: “Одам боласи зинодан “насиба” олади. Икки кўзнинг зиноси назар солиш. Тилнинг зиноси гапириш. Икки қулоқнинг зиноси эшитиш. Икки қўлнинг зиноси ушлаш. Икки оёқнинг зиноси юриб боришдир. Нафс орзу ва иштаҳа қилади, фарж эса, уни ё тасдиқлайди ёки ёлғонга чиқаради” (*Имом Бухорий*).

Бугунги кунда яланғоч аёлларнинг суратларига қараш ва фаҳш филмларни кўриш уят бўлмай қолмоқда. Болаларга бағишланган баъзи оломонча мултфилмлар ҳам фарзандларимизни гўё бу каби қабоҳатларга ёшлик вақтиданок тайёрлаб келмоқда, десак муболаға бўлмайди. Шундай экан, фарзандларимиз ўтказаетган ҳар бир дақиқани назорат қилиш, уларнинг мурғак қалбларини оломонча маданият таъсиридан ҳимоялаш биз катталарнинг вазифамиздир.

Замондош олимларимиз фаҳш филмларни кўриш зинонинг бир тури экани ва унинг ҳаромлигига Пайғамбаримизнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Кўзнинг зиноси қарашдир” ҳадислари ҳамда Нур сурасининг 30 ва 31-оятларини далил қилишади. Бундан ташқари, фаҳш филмларни кўриш ер юзида фисқу фасод, ёмонлик ва фаҳш ишларини ёйишга ёрдам беради. Аллоҳ таоло бундай қабих ишлардан қайтаради: **“Албатта, имон келтирганлар ичида фаҳш ишлар тарқалишини яхши кўрадиганларга бу дунёю охиратда алам-ли азоб бордир. Аллоҳ билади, сизлар бил-**

массизлар” (Нур, 19). Яна Аллоҳ таоло фаҳш ишларнинг ҳар қандай туридан қайтаради ва “Фаҳш – бузуқ ишларнинг ошкорасига ҳам, махфийсига ҳам яқинлашманг” (Анъом, 151), деб бизни огоҳлантиради.

Ҳайтамий (раҳматуллоҳи алайҳ) “Заважир ан иқтирофил кабоир” китобида бундай дейди: “Билгин, кўпчилик уламолар гуноҳнинг кичиги бўлмайди, балки барча гуноҳ қаттадир, дейишган. Гуноҳларнинг баъзисига кичик дейилиши,

Оммавий маданият жамиятни парчалайди, барча ишларни бузади ва инсоннинг ўзлигини йўқотишига сабаб бўлади. Бундай ёмон иллатлар таъсирига тушиб қолган кимсаларга бошқалар бефарқ бўлмаслиги керак.

Ҳар қандай касалликнинг олдини олиш учун, аввало, одам танасида унга “иммунитет”, яъни “қарши курашувчанлик” ҳосил қилинади. Бунинг учун фарзандларимизни она-Ватанга муҳаббат, бой тарихимиз ва динимизга садоқат



ўзидан катта бўлганига нисбатан айтилади”. Ҳазрат Абдуллоҳ ибн Аббос (розияллоҳу анҳу) бундай дейди: “Аллоҳ қайтарган барча нарсалар кабирадир (яъни, катта гуноҳдир)”.

Фаҳш филмларга қараш нафсий касалликка, қалб қорайишига, ҳалолдан бош тортишга ҳамда гуноҳларга журъат қилиб, енгил санашга олиб келади. Бундай филмларни кўриш икки сабаб юзасидан катта гуноҳ ҳисобланади:

1. Бегона аёлга шаҳват назари билан қарашда фитнага тушиш хавфи бор. У катта гуноҳга бошлайди. Ҳадисларда баён қилинган катта гуноҳлар ичида бегона аёлга шаҳват билан қараш ҳам зикр қилинади. Фаҳш филмларни кўришда шаҳват назари билан қараш такрор ва бардавом бўлгани учун гуноҳ янада каттароқ бўлади.

2. Кичик гуноҳда бардавом бўлиш катта гуноҳга олиб боради. Ибн Аббос (розияллоҳу анҳу): “Бардавомлик ила кичик гуноҳ йўқ”, деб айтган.

руҳида тарбиялаш керак. Улар қалби ва онгида соф эътиқод, яхши билан ёмон, ҳалол билан ҳаром тушунчасини кучайтириш зарур. Ана шунда ёвуз ниятли кимсаларнинг инсон учун мутлақо зарар бўлган пуч ғоя ва даъволаридан сақланган бўламиз.

Жалолиддин ҲАЙДАРХОН ўғли,
“Новза” жоме масжиди имом-хатиби

Агар номинг халқ орасида ҳурмат билан ёд этилишини истасанг, оилангнинг доимий роҳатини кўзласанг, болаларингга гўзал тарбия бер, бирор ҳунар эгаси қилиб етиштир. Уларнинг юриш-туришларини текшириб тур. Ёмон одамлардан узоқ бўлсинлар, яхшилар билан суҳбатдош бўлиб, баҳра олсинлар.

Низомиддин

Рамазон ойи мўминлар учун тоат-ибодатларни кўпайтириш мавсумидир.

Аллоҳ таоло: “Эй имон келтирганлар! Сизларни аламли азобдан қутқарадиган бир «тижорат»га далолат қилайинми?” (Саф, 10) деб марҳамат қилади. Албатта, бу Раббимизнинг ожиз бандаларига улۇғ таклифи, мукофотидир. Абадий саодатда, суюкли бандалар билан, битмас-туганмас неъматлар ичида ҳаёт кечириш имкониятидир.

Аллоҳ таоло рамазон рўзасини бандаларини зарар ёки машаққатга солиш учун эмас, балки уларда тақво ҳосил бўлиши, нафслар покланиши, ахлоқлар гўзал бўлиши каби буюк ҳикматлар асосида фарз қилди. Парвардигор марҳаматли зот. Бандалари доим тўғри йўлда бўлишини яхши кўради. Шунинг учун “савоб” ва “гуноҳ”

ишларни баён қилди. Инсонларга ақл бериб, гуноҳдан тўхташ, савоб ишларда давомли бўлишни буюрди. Мўмин учун савоб топиш имкони жуда кўп. Шунингдек, гуноҳ иш қилган бўлса, бунга каффорат бўладиган амаллар бисёр. Масалан, покликни олайлик. Ер юзидаги жамики инсонлар, ҳатто ҳайвонлар ҳам покланади. Лекин мусулмон ният билан таҳорат олиб, кундалик ювинишни ибодатга айлантиради. Абу Ҳурайрадан (розияллоху анху) ривоят қилинган ҳадисда: Пайғамбаримиз (алайҳиссалом): “Мусулмон ёки мўмин банд таҳорат олганида юзини ювса, кўзи билан содир этган хатолари юзидан сув билан ёки сувнинг охириги қатраси билан чиқиб кетади. Икки қўлини ювганида у билан ушлаб қилган барча хатоси сув билан ёки сувнинг охириги қатраси билан чиқиб кетади. Икки оёғини ювганда у билан юриб қилган барча хатоси сув билан ёки сувнинг охириги қатраси билан чиқиб кетади. Ҳатто гуноҳлардан тоза бўлиб чиқади” (Имом Муслим). Бу ибодат кунига камида беш маротаба такрорланади.

Шунингдек, рамазон ойида имон ва савоб умидида тутилган рўза ўтган барча гуноҳларга

каффоратдир. Бошқа ойда қилинган амаллар савоби нисбатан рамазонда қилинган амалларнинг савоби улۇғдир. Бу ойда жаннатлар зийнатланиб, дарвозалари очилади. Дўзахларнинг эшиклари ёпилади, шайтонлар занжирбанд қилинади. Рўзадорга ҳам қатор имтиёзлар берилади: Абдуллоҳ ибн Абу Авфа (розияллоху анху) ривоят қилади: «Пайғамбаримиз (алайҳиссалом): “Рўздорнинг уйқуси ибодат, жим туриши тасбех, амали кўпайтирилган, дуоли мустажоб, гуноҳи мағфират қилингандир”, деб марҳамат қилдилар» (Имом Байҳақий). Ибн Умар (розияллоху анху) бундай дейди: «Қиёмат кунда бир нидо қилувчи: “Барча амал қилувчиларнинг ажри кўпайтириб берилади. Фақат Қуръон аҳли ва рўздорларнинг ажри ҳисобсиз берилади”, деб нидо қилади» (Имом Байҳақий).

Сабр мавсуми

Бу ой сабр мавсуми ҳам бўлиб, ҳеч бир ибодатда сабр рўза вақтидагидек намоён

бўлмайди. Рўза сабрнинг ярми, сабрнинг ажри эса жаннатдир. Хусусан, иссиқ кунда, чанқоққа сабр қилиб тутилган рўза, салқин, ҳамда калта кунларда тутилган рўзанинг савобидан улۇғроқдир.

Кўп одамлар савобли амаллар қилиш учун бор ғайратларини, маҳоратларини ишга солишади. Рамазон ойи уларнинг ана шу орзуларига етиш учун катта имконият. Ибн Ҳузайма (розияллоху анху) ривоят қилади: Пайғамбаримиз (алайҳиссалом): “Кимки рамазон ойида бирор хайрли амални бажарса, гўё рамазондан бошқа ойда бир фарзни бажаргандек бўлади. Ва кимки, рамазонда бир фарзни адо қилса, гўё рамазондан бошқа ойда шунга ўхшаш етмишта фарзни адо қилгандек бўлади”, деганлар (Имом Байҳақий).

Мўмин биргина Қуръон тиловати учун улкан савобга эга бўлади, фаришталар орасида танилади. Аллоҳ таоло уни Ўз ҳузурда зикр қилади. Боқий жаннатда, боқий неъматларини тортиқ қилади. **“Бас, мусобақачилар шу (неъматлар) йўлида мусобақа қилсинлар!” (Мутоффифун, 26).**

Саидакбархон ВАЛИЕВ,
ТIIИ 2 курс талабаси

Имоми Аъзамнинг одоблари, ҳикматлари

Ҳазрат Имоми Аъзам бундай деганлар: “Уламолар Аллоҳ таолонинг валий (дўст)лари бўлмаса, яна ким Аллоҳнинг дўсти бўларди, олимлардан ўзга валиюллоҳ бўлмайди”; “Ҳар ким иззатталаб бўлса, умри хору зорликда ўтади. Сухбати оғир киши фикҳни билмайди, бу илмнинг қадрига етмайди ва фикҳ аҳлини ҳурмат қилмайди”; “Кимнинг илми ҳаром ишлардан қайтармаса, албатта, у расво бўлади”.

Имоми Аъзам эрта тонгдан бошлаб фатво ва масалаларга жавоб берардилар. Бир киши: “Бу каби вақтларда яхши гаплардан бошқасини гапириш макруҳ эмасми?” деб сўради. Имоми Аъзам: “Ҳалол ва ҳаромдан гапириш яхши сўзларнинг энг яхшисидир. Биз ҳалол-ҳаромдан сўзлаб, халқни гуноҳлардан қўрқитиб, қайтарамиз, бундан ҳам яхшироқ сўз бўларканми?!” деб жавоб бердилар.

Имоми Аъзамга бир улуғ кишидан восита хати олиб келишди. Унда Имоми Аъзамдан хатни олиб келган кишига илм ўргатишлари илтимос қилинган эди. Имоми Аъзам айтдилар: “Илм талаби учун бирор улуғ зотнинг восита хати керак эмас. Зеро, Аллоҳ таоло берган илмни бошқаларга

ўргатиш олимларнинг вазифалари бўлиб, илмни яширмасдан ўргатишлари керак. Олимнинг илм ўргатмаслигига ва ўқитувчининг дарс ўтмаслигига шарт-шароит (йўқлиги) ҳаргиз баҳона бўлолмайди. Шаръий ва исломий илмларни Худо учун ўргатиш ҳар бир олим ва ўқитувчига вожибдир. Зеро,

БИЛМАГАН НАРСАЛАРИМНИ ОЕҒИМ ОСТИГА ҚЎЙГАНИМДА БОШИМ КЎККА ЕТАРДИ.

ИМОМИ АЪЗАМ

илм ўргатиш ва ўрганиш ибодат бўлиб, ибодатни фақат Аллоҳ таоло учун бажариш вожибдир”.

Имоми Аъзам баъзи кишиларга бундай дердилар: “Бир киши билан гаплашиб турганимда, юриб кетаётганимда, ухлаганимда ва суяниб дам олаётганимда мендан дин ишларини сўраманг. Чунки бундай вақтларда хаёл бир жойда бўлмай, ақл паришон бўлади”.

Ҳазрат Имоми Аъзам айтдилар: “Ким дунё учун илм ўрганса, илмнинг баракотидан маҳрум қолади, кўнглида илм қарор топмаган одамдан кўпинча ҳеч ким баҳра ололмайди.

Ким дин учун илм ўрганса, илмидан барака топади, илм

дилига жо бўлади ва илмидан ҳамма шогирдлари баҳра олади”.

Имоми Аъзам Иброҳим ибн Адҳамга айтганлар: “Эй Иброҳим, сенинг ибодатдан ризқ-насибанг улуғ. Энди сен илмни дилингга жо қилишинг керак. Зеро, илм ибодатнинг бошидир, илм ишларнинг устуниси ва низомидир”.


У зот яна айтганлар: “Киши ҳадис ўрганиб, фикҳ ўрганмаса, даволарни йиғиб, табиб келмагунча фойдасини билмаган кимсага ўхшайди. Муҳаддис ҳам фақиҳ бўлмаса, ҳадиснинг керакли ўрнини билолмайди”.

Имоми Аъзам айтадилар: “Ўзинг учун гуноҳ йиғма ва меросхўринг учун мол тўплама”.

Бир кун ўғиллари Ҳаммод кўп кишиларга имом бўлиб, намоз ўқиб бермоқчи бўлди. Ҳазрат Имоми Аъзам уни қаттиқ ушлаб олиб, бошқа кишига имомликка ўтишни буюрдилар. У одам имом бўлиб, намоз ўқилди. Сўнгра Ҳаммод айтди: “Отажон, мени уялтирдингиз”. Ҳазрат Имоми Аъзам айтдилар: “Ўғлим, аксинча, сени уялишдан сақладим. Чунки бирор киши “Ҳаммоднинг ортида ўқилган намозни қайта ўқинглар”, деб қолса, бу гапи китобларга ёзилиб, қиёматгача унутилмас эди”.

СЎРАГАН ЭДИНГИЗ...

Саволларингизга Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий
Усмонхон АЛИМОВ жавоб беради.



Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва барокатуҳ. Хурматли Муфтий ҳазратлари!

Савол: Сир эмас, ҳозирда кўпчилик юртдошларимиз, жумладан, аёллар ҳам савдо-сотик ишлари билан хорижга бориб-келишяпти. Бизнинг ён қўшнимиз ҳам ана шундай аёллардан. У чет юртларга бир ўзи кетади, эри эса уйда қолади. Бу ҳолат шариятимизга қай даражада тўғри келади?

Жавоб: Алҳамду лиллаҳ, вассолату вассаламу ала росулиллаҳ. Амма баъд. Саволда иккита долзарб муаммо кўтарилган. Биринчиси аёллар учун сафарда маҳрам масаласи. Барча фақиҳ олимлар яқдиллик билан аёл киши сафарга, ҳатто ҳаж сафарига ҳам маҳрамсиз чиқиши мумкин эмаслигини таъкидлаганлар. Чунки сафарда ҳар хил кўзда тутилмаган вазият юзага келиши мумкин, ана шу пайтда аёл ўз маҳрами ёрдамида бу вазиятлардан осон чиқиб кета олади.

Саволдаги иккинчи масала оила таъминоти. Шариятимиз аҳли-аёл ва фарзандларнинг ейиш-ичиш, кийим-кечак ва бошқа турли эҳтиёжларини таъминлашни тўлалигича эрларнинг зиммасига юклаган. Эркаклар ана шу жиҳатлари билан оила бошлиғи ҳисобланадилар. Ҳеч қандай узри бўлмай, ўзи уйда ўтириб, аёлини пул топиш учун кўчага чиқарган эркак ҳамиятсиз кимсадир.



Савол: Бугунги кунда авж олган иллатлардан бири – одам савдоси ҳақида сўрамоқчи

эдим. Мамлакатимизда қонун йўли билан бу жиноятга қарши қатъий курашиш чоралари кўрилмоқда. Динимизда бу ҳолатга қандай қаралади?

Жавоб: Динимиз кишиларнинг жонини, молини, номусини ҳимоялаш мақсадида бир-бирларига ҳаром қилган. Бундан ташқари, қулдорлик авж олган замонлардаёқ Ислом дини озод одамни қулга айлантириш энг улкан гуноҳлардан эканини таъкидлаган. Бу қабиҳ ишда бир қанча гуноҳ жам бўлган, шулардан бири қул ҳақининг поймол этилишидир. Маълумки, шариятимизда икки турли ҳақ бор: Аллоҳнинг

ҳақи, банданинг ҳақи. Мусулмоннинг зиммасидаги тоат-ибодат қилиш каби бандалик бурчлари Аллоҳнинг ҳақи ҳисобланади. Кишиларнинг бир-бирлари билан ўзаро муносабатларини тартибга солувчи ҳақ-ҳуқуқлар банданинг ҳақи дейилади. Ақоид китобларимизда айтилишича, Аллоҳ ўз ҳақини истаган бандасидан хоҳласа кечиб юбориши мумкин. Аммо Аллоҳ таоло бандалар орасига аралашмайди, яъни зиммасида бошқа бировнинг ҳақи қолган одамнинг гуноҳи ҳақдор рози бўлмагунича кечирилмайди.

Ўз ҳамюртини бегона элларга олиб бориб, қул қилиб сотиб юбораётганлар қонуний жавобгарликдан қутулиб қолишган тақдирда ҳам, эрта бир кун Аллоҳнинг ҳузурида албатта ҳисоб беришга мажбур бўлишларини унутмасинлар!



Савол: Муфтий хазратлари! Чет элларда ўқиш ёки

ишлаш мақсадида юрган ёшлар орасида айримлари динимиз ҳақида билиб-билмай, тўғри-но-тўғри манбалардан маълумотлар олишмоқда. Уларга қандай на-сихат қилган бўлардингиз?

Жавоб: Ҳар кимнинг ризки ҳар ерга сочилган деган гап бор халқимизда. Шароит тақозоси билан ишлаш ёки ўқиш учун хорихда юрган ватан-дошларимиз, фарзандларимиз, энг биринчи, яшаб турган мамлакатларида мусулмонлар Ислоннинг қайси мазҳабига амал қилишларини суриштириб билиши, агар ҳанафий мазҳаби асосида намоз ўқиладиган масжид топилмаса, улардан энг мўътадилини танлаб, ибодатларини ўша масжидда адо этишга ҳаракат қилиши керак. Бундан ташқари, аҳли сунна йўналишида, ўз мазҳабимиз асосида ёзилган асарлардан бошқа диний адабиётни умуман ўқимаганлари маъқул. Чунки ўзларида ҳали тўғри маълумот билан янглишини ажратишга етарли билим бўлмагани сабабли бундай китоблар уларни чалғитиб қўйиши аниқ.

Ахборот алмашиш ва интернет тезлик билан ривожланаётган ҳозирги кунда дунёнинг қайси нуқтасидан бўлмасин, Ўзбекистон мусулмонлари идораси ва юртимиздаги бошқа руҳсатли диний нашрлар сайтлари тўғри диний маълумотнинг энг мақбул ва осон манбаидир.

Нўъмон АБДУЛМАЖИД
ёзиб олди.

Итоатлининг исломи гўзал

Баъзи кишилар Рамазон ойи олдидан ўзлари масъул бўлмаган, билмаган нарсаларини гапириб, тушунмовчиликлар келиб чиқишига сабаб бўлишади. Улар: “Фалон давлатда бугун рўза тутилди” ёки муборак ой сўнгида ҳайит кунини ихтилоф қилиб: “Фалон мамлакатда бугун ҳайит экан, рўзамизни очиш керак” каби гапларни тарқатиб юришади.

Шундай кишилар билиб ёки билмаган ҳолда мусулмонлар ўртасида тарафкашлик, тарқоқлик ҳамда ихтилофга сабаб бўлишни енгил санашади. Албатта ножўя гап-сўзларга сабаб кишиларнинг дин илмларини етарлича ўзлаштирмаганларидир.

Шариат масалаларида масъул бўлмаган, шу билан бирга етарли илмга эга бўлмаган кишилар фатво ишларига аралашилари, ўзга мамлакатларга қараб “фатво” олишлари мумкин эмас. Бундай ишлар вақт, ақл ва умр исрофидир. Абу Ҳурайрадан (розияллоху анху) қилинган ривоятда Пайғамбаримиз (алайҳиссалом): “Киши исломнинг гўзаллиги ўзига муҳим бўлмаган (беҳуда) нарсаларни тарқ қилишидадир”, деб марҳамат қилганлар (*Ибн Можа*).

Қуръони каримда: “**Эй имон келтирганлар! Аллоҳга итоат этингиз, Пайғамбарга ва ўзларингиздан (бўлмиш) бошлиқларга итоат этингиз! Борди-ю, бирор нарсада (дин ишида) келиша олмай қолсангиз – Аллоҳга ва охират кунига ишонадиган бўлсангиз – уни Аллоҳга ва Пайғамбарига ҳавола қилингиз. Мана шу яхшироқ ва ечим чиройлироқ (иш)дир**” (*Нисо, 59*), деб марҳамат қилинган.

Ушбу ояти карима “**Ўзларингиздан (бўлмиш) бошлиқларга итоат этингиз!**” деб мусулмонларнинг ишларида бошлиқлар масъул бўлишини, мўминлар уларга итоат этиши вожиблигини баён қилмоқда. Шариат ҳукмлари ҳеч қачон нафс-ҳавога биноан олинмайди. Уламолар Қуръон, суннат, ижмо, қиёс ва ўлканинг ўзига хос томонларини ҳисобга олиб, бир масалада фатво беришади. Бу ўлкада яшовчи ҳар бир мусулмон ушбу фатвога эргашиши керак. Эргашувчилар ҳар қандай ҳолатда ҳам амалларига яраша савоб олаверишади.

Динда ҳам, ҳаётда ҳам фойда келтирмайдиган, ўзи масъул бўлмаган масалаларга аралашиб, кишилар орасида фитнага сабаб бўлиш яхши эмас. Бундай ишларни олимларимизга юклаб, ўзимиз Рамазон рўзасини гуноҳларимизга каффорат бўлсин деб, ихлос билан тутишимиз керак.

Ғиёсиддин ҲАБИБУЛЛОҲ Ўғли,
ТIIИ талабаси

Хожа Алоуддин Аттор

(Аллоҳ сирини азиз қилсин)



Асл исми: Муҳаммад ибн Муҳаммад Бухорий. Отаси хушбўйликлар тижорати билан шуғуллангани боис сулола “Аттор” лақабини олади. Хожа Алоуддин (Аллоҳ сирини азиз қилсин) ўрта бўйли, буғдойранг, истарали, камтар, иқтидори ва фаросати баланд, суҳбати таъсирли, хулқи гўзал киши эди.

Ҳаёт тарзи: Отасининг вафотидан сўнг қолган бой меросини укалари Шаҳобиддин ва Муборакка тақсимлаб берди. Ўзи эса ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд (Аллоҳ сирини азиз қилсин) хузурига борди ва синовлардан муваффақиятли ўтди. Илм истагида заҳмат чекиб, юксак рутбаларга эришди.

Мадрасаларда қунт билан олган билими, фақирона ҳаёт тарзи, гўзал ахлоқи билан устозининг назарига тушди. Хожа Нақшбанд (Аллоҳ сирини азиз қилсин) уни фарзандидек яхши кўриб, ўзига куёв қилишни истади. Бир куни у зот Қасри орифондан чиқиб, Бухородаги мадрасага келди ва Алоуддиннинг хонасига кирди. Унинг эски бўйра устида дарс қилаётганини кўрди. Тўшак вазифасини ўтовчи бу бўйра, ёстик ўрнида ишлатиладиган ғишт, ёпинчиқ вазифасини бажарувчи ҳирқа ва таҳорат обдастасидан бошқа нарсаси бўлмаган шогирдига ниятини билдирди. Кўп ўтмай ихчам ва файзли никоҳ маросими бўлиб ўтди. Янги оилада тўрт фарзанд – Хожа Ҳасан Аттор, Хожа Шаҳобиддин, Хожа Муборак ва Хожа Алоуддин исмли ўғлонлар дунёга келди. Уларнинг ҳар бири илм эгаллаб, юксак мақомларга эришди.

Оқил шогирд: Алоуддин Аттор (Аллоҳ сирини азиз қилсин) зоҳирий илмларни эгаллагач, Хожа Нақшбанд хузурига маънавий таълим-тарбия ва ботиний олам сирларини ўргана бошлади. Шогирди бадавлат оилада улғайгани сабаб,

устоз уни бойликдан фахрланиш ва кўнгилдаги манманлик туйғусини батамом жиловлаш учун имтиҳондан ўтказди. Унга бир сават олмани олиб, укалари яшайдиган маҳаллада сотиб келишни буюрди. Вазифани бажарган Хожа Алоуддин Хожа Нақшбанддан янги – яширин зикр вазифасини олди. Устози унинг маънавий камоли, тарбияси билан машғул бўлди.

Хожа Баҳоуддин Нақшбанд (Аллоҳ сирини азиз қилсин) ҳали кучдан қолмаган бўлса-да, талаба ва муридларининг таълим-тарбиясини Хожа Алоуддинга ишониб топширади ва бу ҳақда: «Бизнинг “юк”имизни хийла енгиллатди. Унинг суҳбати ва гўзал тарбияси сабаб кўп шогирдларнинг ботин кўзлари очилди, Ҳаққа яқинлик йўлида камолга эришди», деб шогирдидан мамнунлигини эътироф этади.

Алоуддин Аттор Хожа Нақшбанддан маънавий омонатни олгач, тўғри йўлни топишда кўпчиликка ёрдамчи бўлди. Баракотли ва файзли суҳбатлари асносида кўп инсонлар маънавий хузурга эришиб, камол топди. Улар орасида Хожа Яъқуб Чархий ҳамда аллома Саййид Шариф Журжоний машхурдир.

Буюк олим Саййид Шариф Журжоний бундай дейди: “Мен Зайниддин Али кулол билан кўришгач, рофизийликдан қутулдим. Шайх Алоуддинни танигач, Аллоҳни танидим”.

Ибратли сўзлари: Ҳазрат Аттор (Аллоҳ сирини азиз қилсин) маънавий юксаклик баробарида кучли таъсир этиш қобилиятига ҳам эга эди. Шу боис Аллоҳнинг изни билан кўп инсонларнинг ҳидоят топишига сабабчи бўлди. Шайх Алоуддин Атторнинг қалб дардларига шифо бўлувчи сўзларидан баъзилари:

“Нафсни тарбия қилишдан мурод жисмоний боғланишлардан кечиб, руҳият ва ҳақиқат ола-

мига йўналишдир. Банда истак ва орзуларини жиловлаб, Ҳақ йўлида тўсиқ бўладиган нарса ва ҳодисалардан узоқлашмоғи лозим. Қачон банда ўзини дунёга боғлаб турган нарсалардан исталган онда воз кеча билса, демак, улар йўлига тўсиқ бўлмайди. Агар воз кечолмай, кўнгли унга боғланиб турса, бу риштани узиш лозим бўлади. Устозимиз Шайх Нақшбанд (Аллоҳ сирини азиз қилсин) бу мавзуда шу қадар эҳтиёткор эдики, агар янги либос кийса, “Бу энди фалончини”, деб бир кишига ҳада этар ва ундан омонат тарзида олиб киярди”.

“Нақшбандийлик – суҳбат ва адаб йўлидир. Тасаввуф аҳлининг қалбига азият берадиган ҳар қандай ишдан тийилинг. Улар билан муомалада керакли даражада одоб сақлашни унутманг. Улардан адабни ўрганинг. Чунки адаби йўқнинг тариқати ҳам бўлмайди. Бу йўлнинг бошланиши суҳбат одоби ила чамбарчас боғлиқдир”.

Хожа Нақшбанд (Аллоҳ сирини азиз қилсин) вафотидан етти йил ўтиб, Хожа Алоуддин муридлари билан у кишининг қабрини зиёрат қилишга боради ва қабр зиёрати ҳақида бундай дейди: “Олим ёки авлиёнинг қабрини зиёрат қилишдан мақсад Аллоҳга яқин бўлишдир. Яъни, улуғлар руҳи шарифини шод этиш орқали Яратганнинг ризолигини топиш. Кўринишдан халққа қилинган камтарлик ҳақиқатда Ҳаққа камтарлик қилишни англамоғи керак. Инсонларга камтар бўлишдан мақсад ҳам Аллоҳнинг розилигини ишташдир. Солиҳ зотларнинг қабрини зиёрат қилиш фойдалидир”.

Вафоти: Аллома хижрий 802 (мил.1400) йили ражаб ойининг йигирманчи куни вафот этди. Қабри ҳозирги Денов шаҳрида.

Вафот этган кечаси яқинларидан бирининг тушига кириб бундай дегани айтилади: “Аллоҳ таолонинг бизга берган неъмат ва эҳсонларини ёзиб ҳам, сўзлаб ҳам ифода қила олмайди. Шундай экан, менга инъом этилган даражалар ихлосмандларим тахмин қилганларидан ҳам юксак ва улуғроқдир”.

Абдулазиз АБДУЛЛАЕВ,

Қамаши тумани “Чим” жоме масжиди имом-хатиби

Бу воқеага ўттиз йил бўлди. Ёшим еттига яқинлашиб, мактабга бориш иштиёқида юрган кезларим. Худди кечагидай эсимда. Дадам ўзга хўжаликда ишлагани боис, уйга кам келар, онам ҳам кун бўйи мактабда болаларга дарс берарди.

Онамнинг насиҳати



Оқшом пайт ака-сингилларим билан дастурхон атрофида жамланиб, кечки овқатга ўтирдик. Ёш ва билимсиз бўлганим учун овқатланиш олдидан онамнинг айтадиган сўзларни тушунмасдим. Уй юмушларини бажараётганда ҳам ўша мен англолмаган сўзларни дам-бадам такрорларди. Кунларнинг бирида онамдан ўша сўзларнинг қандай маъно англатиши, нима учун уларни тез-тез такрорлашлари ҳақида болаларча сўрадим. Онам бир оз ўйланди-да, сўнг: «Ҳа, уми? “Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм”, деб менга тушунарли қилиб айтди ва: “Ўғлим, ҳар доим овқатланишдан ёки бирор ишни бошлашдан олдин “Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм”ни, албатта, айт. Ана шунда барча ишинг яхши бўлади»» деб, насиҳат қилди.

Орадан йиллар ўтди. Униб-ўсиб, вояга етдим. Ўшанда онамнинг сўзларида қанчалик ҳикмат, яхшиликлар мужассам эканини китоблардан ва олимлар суҳбатларидан озми-кўпми билиб олдим. Бирор ҳаракат, иш ва амалларимизни Аллоҳ таолонинг номи билан бошласак, охири хайрли бўлиб тугаганини англадим. Акс ҳолда, шайтон аралашиб, ишларимизнинг хайрли тугашига тўғаноқ бўлади.

Онам дунёдан ўтгунларига қадар менга кўп яхшиликларни ўргатдилар. Буларнинг қанчасини ўзлаштирганим, ёлғиз Аллоҳга аён. Лекин онамнинг ўша насиҳатини қалбимга жо қилганман.

Комил ҚАРШИБОВ,

Зомин тумани

Ҳиндистон Республикаси

Майдони: 3 287 590 кв.км.

Аҳолиси: 1,2 миллиарддан ортиқ.

Пойтахти: Нию Деҳли.

Тузуми: парламентар республика.

Давлат бошлиғи: президент.

Маъмурий тузилиши: 28 та штат, 6 та бирлашган ҳудуд ва Деҳли миллий пойтахт округига бўлинади.

Йирик шаҳарлари: Мумбай, Деҳли, Калкутта, Бангалор, Ҳайдаробод, Ченнай, Аҳмадобод.

Пул бирлиги: ҳинд рупияси.


Жуғрофий ўрни. Ҳиндистон Жанубий Осиёда жойлашган. Майдони катталиги жиҳатидан дунёда еттинчи ўринда туради. Ғарбда Покистон, шимоли-шарқда Хитой, Непал, Бутан, шарқда Бангладеш ва Мянма мамлакатлари билан чегарадош. Бундан ташқари, денгиз орқали жануби-ғарбда Малдив ороллари, жанубда Шри Ланка ва шимоли-шарқда Индонезия билан қўшни.

Иқлими. Ҳиндистон иқлимига муссонни (қишда денгиз томонга, ёзда денгиздан қуруқлик томонга эсадиган шамол) келтириб чиқарувчи Ҳимолай тоғи ва Тар чўли кучли таъсир ўтказди. Ҳимолай Марказий Осиёнинг совуқ шамолларига тўсиқ бўлиб туради. Шу туфайли Ҳиндистоннинг катта қисмида иқлим Ернинг бошқа ҳудудларидаги кенгликларга нисбатан иссиқ бўлади. Иқлими асосан тўрт хил: тропик, қуруқ тропик, муссонли субтропик ва баланд тоғ иқлими.

Тарихи. Мамлакатнинг расмий номи санскритча *сунду* (Ҳинд дарёсининг тарихий номи) сўзига ўхшаш эски форсча “*ҳинду*” сўзидан келиб чиққан.

Олимлар тахминича, Ҳиндистонда 200 минг–500 минг йиллар олдин ҳам одамлар яшаган. Милоддан олдинги 520 йил атрофларида, форс подшоҳи Дуро I ҳукмронлиги вақтида Аҳамонийлар империяси Ҳиндистон яриморалининг шимоли-ғарбий қисмини (ҳозирги шарқий Афғонистон ва Покистон) эгаллади. Милоддан олдинги 334 йили Искандар Мақдунли Кичик Осиё ва Аҳамонийлар империясини босиб олди. Сўнгра Гидаспада бўлиб ўтган жангда подшо Пор устидан ғалаба қозониб, Панжобнинг катта қисмини забт этди.

1526 йили темурийлар сулоласидан Заҳириддин



Муҳаммад Бобур Ҳайбар доғи орқали ўтиб, Бобурийлар давлатига асос солди. XVIII аср бошларидан бу давлат заифлаша бошлади ва 1857 йилги Сипоҳийлар қўзғолонидан (Ҳиндистон халқ қўзғолони номи билан ҳам машҳур) кейин тугатилди. XVII аср бошларида Ҳиндистонга Англия ва Голландиянинг Ост-Индия компанияси кириб келди. 1857 йили бу компания тугатилганидан сўнг, мамлакатни Буюк Британия бошқарди. 1946 йили Жавоҳарлал Неру етакчилигида муваққат ҳукумат ташкил қилинди. Миллий озодлик ҳаракатининг кучайиши сабабли инглиз мустамакчилари Ҳиндистондан чиқиб кетишга мажбур бўлди. 1947 йилнинг 15 августида мамлакат ҳудудида икки мустақил давлат – Ҳиндистон ва Покистон доминионлари пайдо бўлди. 1950 йил 26 январ куни Ҳиндистон суверен республика деб эълон қилинди.

Британия Ҳиндистон ҳудуди мустақилликка эришганидан сўнг, Ҳиндистон Покистон доминиони ва Ҳиндлар иттифоқига бўлинди. Панжоб ва Бенгалиянинг ажралиши оқибатида ҳиндлар, сикхийлар ва мусулмонлар ўртасида қонли жанг бошланди. Натижада беш юз мингдан кўпроқ одам ҳалок бўлди. Мамлакат бўлиниши замонавий дунё тарихидаги энг катта аҳоли кўчишларидан бирига олиб келди. Ўн икки милёнга яқин ҳиндлар, сикхийлар ва мусулмонлар Ҳиндистон ва Покистон майдони бўйлаб сочилиб кетди. Ҳиндистон 1945 йили БМТга аъзо бўлди. 1991 йил 26 декабрда юртимиз суверенитетини тан олди ва 1992 йил 18 мартда дипломатия муносабатлари ўрнатди.

Миллий байрамлари: 26 январ – Республика куни (1950) ва 15 август – Мустақиллик куни (1947).

Иқтисоди. Охирги йигирма йил ичида

энг тез ривожланаётган мамлакатлардан бири Ҳиндистондир. Ялпи ички маҳсулотнинг ўртача йиллик ўсиши 5,5 фоизни ташкил этади. 516,3 милён одам билан ишчи кучи бўйича дунёда иккинчи ўринда. Улардан 60 фоизи қишлоқ хўжалигида, 28 фоизи хизмат кўрсатиш соҳасида, 12 фоизи саноатда ишлайди. Гуруч, буғдой, пахта, каноп, шакарқамиш ва картошка муҳим қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳисобланади. Қишлоқ хўжалиги соҳаси ялпи ички маҳсулотнинг 28 фоизини, хизматлар соҳаси ва саноат 54,18 фоизни ташкил қилади. Асосий саноат тармоғи автомобилсозлик, цемент ишлаб чиқариш, электроника, озиқ-овқат маҳсулотлари, машинасозлик, фойдали қазилмалар қазиб олиш, нефт, дори-дармон, металл ишлаш ва тўқимачилиқдан иборат.

Сўнгги йигирма йил мобайнида Ҳиндистон иқтисоди барқарор ўсишга эришди.

2007 йили экспорт миқдори 140 миллиард, импорт эса яқин 224,9 миллиард долларга етди.

Ҳиндистон темир йўлларида йилига олти миллиардгача йўловчи ва 350 милён тонна юк ташилади. Мамлакатнинг бош темир йўл оператори 99 фоиз ташишни назорат қилувчи “Indian Railways” саналади.

1950 йили Ҳиндистонда 64 та фуқаро аэропорти бўлган. Ҳозир аэропортлар сони 454 тага етди.

Тили. Ҳиндистон ҳинд тили гуруҳи ва дравид тиллари оиласининг ватани ҳисобланади. Энг кўп тарқалган тил – ҳинд тили ва у Ҳиндистон ҳукуматининг расмий тили саналади. Бизнес ва маъмурий ишларда кенг қўлланадиган инглиз тили “ёрдамчи расмий тил” мақомига эга. Бу тил ўрта ва олий таълимда муҳим ўрин тутаяди. Ҳиндистон конституциясида аҳолининг кўп қисми гаплашадиган ва мукамал ҳуқуқий мақомга эга бўлган 21 та расмий тил белгиланган. Мамлакат аҳолиси умумий ҳисобда 1652 та шевада сўзлашади.

Аҳолиси. Ҳиндистон аҳоли зичлиги бўйича дунёда Хитойдан кейин иккинчи ўринда туради. Охирги ўн йилликда шаҳарга кўчиб келиш



кўпайиб, шаҳарликлар сони кескин ўсганига қарамай, аҳолининг деярли 70 фоизи қишлоқларда яшайди. Маданий, наслий ва тил хилма-хиллигига кўра, дунёда Африка қитъасидан кейин иккинчи ўринни эгаллайди. Аҳолининг 51,5 фоизи эркалардан, 48,5 фоизи аёллардан иборат.

Дини. 80 фоиздан ортиқроқ (900 млн) халқ ҳиндуийлик тарафдори. Мусулмонлар 14 фоиз, насронийлар 2,4 фоиз, сикхийлар 2 фоиз ва буддистлар 0,7 фоизни ташкил этади. Мусулмонлар сони 165 миллион. 2001 йили 138 миллиондан ортиқ мусулмон рўйхатга олинган эди. Бу кўрсаткич 36 фоизга ўсди. Исломни қабул қилаётганлар сони тобора ортиб борапти.

Шимоли-ғарбий Ҳиндистон фатҳ этилгач, бу ерда Ислом дини ёйила бошлаган. IX–XI асрларда Ҳинд водийи (ҳозирги Покистон) аҳолиси Исломни тўлиқ қабул қилган. Ҳиндистон ва Ганг водийининг қирғоқбўйи аҳолиси Ислом билан араб савдогарлари орқали танишган бўлса ҳам, ҳали уни қабул қилмаган эди. Маҳмуд Ғазнавий Панжобни эгаллаб, бутхоналарни тозаламагунча,

Ислом динининг таъсири кучли бўлмаган. Ислом динининг ёйилиши – Бобурийлар ҳукмронлиги даврида (1526–1858) янги босқичга кўтарилди. Ислом дини Ҳиндистон ҳаёти ва маданиятига катта таъсир кўрсатган. Ҳинд меъморчилиги, мусиқаси, адабиёти, ижтимоий тузуми – барчаси Ислом таъсири остида замонавий шаклга эга бўлган. Буюк Британия Ҳиндистонни босиб олгандан сўнг, Исломнинг оммалашувига чек қўйилди. Унинг таъсири заифлашди. Шунга қарамай, мусулмонлар жамияти сақланиб қолди. 1991 ва 2001 йиллар оралиғида ҳиндуийлар сони 20,3 фоизга, мусулмонлар сони эса 29,6 фоизга кўпайди.

Ҳиндистонда энг катта масжид Дехли жоме масжидидир.

Орифжон МАДВАЛИЕВ
тайёрлади.



Енгилик кимдан сўралади?

У ўқишга кириш учун тайёргарлик кўриб юрган кезлар эди. Имтиҳонга уч-тўрт кун қолганида опаси: “Меҳмон чақирмоқчиман, ёрдам бермасанг бўлмайти”, деди. У учун ҳар бир дақиқа ғанимат эди, тўғриси айтқолди. Опаси эса қатъий оҳангда таъкидлади: “Бунга ўқишга киришинг учун қилипман. Ўзинг иштирок этганинг яхши!” Қиз сезди, ўрталарида тортишувларга сабаб бўлган, опаси “ихлос қўйган” “Мушкул кушод”ни ўтказишади. Тўшунтириш фойдасиз эди, ноилож қарашиш учун чиқди.



Опаси олдин еттита хонадондан ун “тиланди”. Кейин уларни тўртта ликопчага солиб, унинг тўрт бурчагига қўйди. Шундай қилса, хонадонга қут-барака ёғилармиш.

Дастурхонни безаб бўлганларидан сўнг опаси маросим учун керак бўладиган махсус нарсалар – майиз, ширмой, пахтани ўз қўллари билан қўйиб чиқди. Қиз яхши билди – ширмой нон битта-битта тарқатилади. Майизнинг чўпи эса савот айтиб ажратилиб, пахта орасига қўйилади. Кейин чўплар катта оқава сувга ташланади. Бу хонадоннинг мушқули шу билан осон бўлармиш...

Айнан шундай бўлмаса-да, шу сингари воқеалар кўпчилигимизга таниш. Чунки бундай ишларга қизиқувчилар, улар мушқулларни осон қилишига ишонувчилар оз эмас.

“Биби Сешанба” ва “Мушкул кушод”да шу номдаги қиссалар ўқилади. Уларнинг бирида ўғай она қўлидаги етим қиз кўрган қийинчиликлар, Биби Сешанба онанинг кўмаги билан ёруғ кунларга етиши ҳикоя қилинади. Иккинчисиде эса қийинчилик билан кун кўраётган ўтинчи чолнинг Биби Мушкул кушоднинг ҳар куни бир тангадан садақа қилсан, деган кўрсатмасига амал қилиб, мўл-кўлчиликка эришиши, ёдидан кўтарилганида эса яна бошига фалокат тушиб, зиндонбанд бўлиши, ўша бир тангани садақа қилиб юборгачгина, озодликка чиқиши айтилган. Аёллар исломий руҳ бериш мақсадида Биби Сешанба, Биби Мушкул кушод номини зуҳд аҳллари номи билан боғлашади.

Шу ўринда савол туғилади: нега кўп ҳолларда оқ-қорани таниган, илм-маърифатли аёллар ҳам

бу бидъат амаллар мушқулларини осон қилишига, оилага қут-барака келтиришига ишонишади?

Биринчидан, уларда фақатгина ҳикоя эмас, Қуръони каримдан суралар ўқилади, Расулulloҳга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) савотлар айтилади. Бу ҳол иштирокчиларда маросим Исломининг оид деган тасаввур уйғотади.

Иккинчидан, ҳар иккала ҳикоятда ҳам динимизнинг кўпчиликка маълум талаблари тарғиб қилинган, бу ҳам уларнинг кенг тарқалишига сабаб бўлади. Кунига бир тангадан садақа қилиш ҳақидаги кўрсатмани олайлик. Ҳадиси шарифларда садақа балони даф қилиши, бу амалнинг фазилатлари айтилган. Шу сабабли кўпчилик аёллар учун маросимлар динимизнинг ажралмас бир қисми бўлиб кўринади. Сифатсиз ширинлик ялтироқ қоғозга ўралса, харидоригир бўлганидек, аслида ақидамизга жиддий зарба берадиган хурофий маросимларда Қуръон оятлари тиловати, савотлар айтиш ва садақа беришга тарғиб авом халқни тўғри йўлдан адаштириш учун қўйилган тузоқни хаспўшлашга ўхшайди, холос.

Аслида, ун тиланиш, оқава сувга майиз чўпи ташлаш кабилар динимиз қайтарган ишлардир. Зеро, Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) тиланчилик хорлик эканини айтганлар. Оқава сувга нарсаси ташлаш эса оддий озодлик талабларига ҳам зиддир. Шундай ишлардан сўнг мушқулим осон бўлади деб ўйлаш ғалати эмасми? Ахир, динимизда яхшиликка эришишни, ёмонликдан қутулишни ёлғиз Аллоҳ таолодан сўраш буюрилган-ку!

Нигора АБДУМУХТОР қизи

ШАМСУЛАИММА САРАХСИЙ

Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Абу Саҳл Абу Бакр шамсулаимма Сарахсий Ўрта Осиёда ҳанафий фикҳи, усули фикҳ ва калом илмларининг буюк олими сифатида шуҳрат қозонган. Уни Камол Пошо масалаларни ечиш бўйича мужтаҳидлар даражасида кўради.

бидир. Ибн Қутлубғо ёзишича, ушбу асар икки қалин жилддан иборат.

Муҳаммад ибн Ҳасаннинг «ал-Жомий ас-сағир», «ал-Жомий ал кабир», Хассофнинг «Адабул қозий», «Китобун нафақот» китобларига шарҳлар, «Ашротус соат» (Қиёмат аломатлари ҳақида китоб), «Ал-Фавоид ал-фикҳия» кабилар ҳам Имом

мужтаҳид ва кўп қиррали олим эди (вафоти. 592/1197). Унинг «Фатово» асари барча олимлар ва фақиҳларга манзур бўлиб, унга ҳаёт жараёнида кўплаб юз берадиган ва ечимига ниҳоятда зарурат сезиладиган масалалар киритилган. Муаллиф ушбу китобни 578 йил 10 муҳаррам чоршанба куни ёза бошлаган. Уни румлик (туркиялик) Муҳаммад

Фарғона фақиҳлари

Сарахсий буюк фақиҳ Абдулазиз Ҳалвоний хизматида, ундан илм ўрганиб, даврининг тенгсиз алломаси бўлди.

Машҳур фақиҳлардан Бурҳонулаимма Абдулазиз ибн Умар ибн Моза, Муҳаммад ибн Иброҳим Ҳасирий, Маҳмуд ибн Абдулазиз Ўзгандий, Рукнуддин Масъуд ва Усмон Байкандийлар шамсулаимма Сарахсийнинг шогирдларидан бўлишган.

У Имом Муҳаммаднинг муҳим асари «ас-Сияр ал-кабир» шарҳини шогирдларига ёддан айтиб ёздирди.

Лакнавийнинг таъкидлашича, Сарахсий Мовароуннахрнинг усул ва фуруъ илмини эгаллаган буюк олимларидан биридир.

Шамсул аимма Сарахсийнинг энг муҳим асари 15 жилдлик «ал-Мабсут» китобидир. Ушбу китоб ҳанафий мазҳаби бўйича мўътабар манба сифатида барча ислом мамлакатларида ўрганилади. «Ал-Мабсут» китоби Абу Абдуллоҳ Муҳаммад Ҳасан Исмоил Шофибий ёзган шарҳу тадқиқот билан бирга 2001 йил Байрутда 30 жумда нашр этилди.

Сарахсийнинг асарларидан яна бири «Усулул фикҳ» кито-

Сарахсий қаламига мансубдир.

АБДУЛАЗИЗ МАРҒИНОНИЙ

Абдулазиз ибн Абдурраззоқ ибн Наср ибн Жаъфар ибн Сулаймон Марғиноний даврининг буюк фақиҳларидан эди. У 1084 йили 68 ёшида вафот этган. Абдулазизнинг муфтий бўлиб танилган олтига ўғлидан, манбаларда Абулҳасан Заҳируддин Али зикр этилади (вафоти 1112 йил). Унинг ўғли ва шогирди Заҳируддин Ҳасан ибн Али Абулмаҳосиндир.

«Ислом энциклопедияси»да берилган маълумотларга кўра, тўртта асар унинг қаламига мансуб. Улар «Ақзия» (Масалалар), «Фатово» (Фатволар), «Фавоид» ва «Шурут» бўлиб, охиргисининг қўлёзмалари бор. Абдулазиз Марғиноний «Ҳидоя» муаллифи Бурҳонуддин Марғинонийнинг устозларидан биридир.

ФАХРУЛИСЛОМ ҚОЗИХОН

Имом Фахрулислом (Фахрудин) Абулмафохир Ҳасан ибн Мансур Ўзгандий Фарғоний Қозихон лақаби билан танилган, «Фатовойи Қозихон», «Амолий» ва бошқа бир қатор китоблар муаллифи, йирик

ибн Мустафо ибн Муҳаммад Афанди Сафий тартибга солган. Қозихоннинг «Фатово» сени «Ахий Чалабий Тўқотий» лақаби билан шуҳрат топган Мавлоно Юсуф ибн Ҳусайн бир жилд қилиб қисқартириб, Султон Боязидхонга тақдим этган.

Абдулхай Лакнавий: «Мен унинг фатово китобидан фойдаландим, у тўрт жилдда ёзилган бўлиб, барча буюк фақиҳлар назарида ишонарли китобдир», деган. Қосим ибн Қутлубғо келтирган маълумотларга кўра, Қудурийнинг «Тасҳиҳ» асарида, Қозихон «фақиҳ ан-нафс», яъни табиатан фақиҳ деб таърифланган.

Унинг бошқа асарлари «Ал-Воқиот», «Ал-Маҳозир» шунингдек, «Аз-Зиёдат», «ал-Жомий ас-сағир» ва Хассофнинг «Адабул қозий» китоби шарҳлари ҳисобланади. Ундан Маҳмуд Ҳасирий, шамсулаимма Муҳаммад Кардарий, Нажмулаимма Нажмуддин Юсуф фикҳни ўрганишган.

Шайх Абдулазиз МАНСУР


ИСЛОМ ВА ОЛАМ

УНИВЕРСИТЕТДА ТАДБИР



Буюк Британиянинг Фэрли Дикинсон университетида Қуръони каримга бағишланган анжуман ўтказилди. Тадбирда университет талабалари, профессор-ўқитувчилар ва олимлар иштирок этишди. Йиғилишда Қуръони каримнинг нозил бўлиш тарихи, араб ёзуви турлари, ўқиш ва ёдлаш сирлари ҳақида сўз юритилди. Анжуманда Оксфорд университети кутубхонасида сақланаётган видеолавҳа ва фотосуратлар намойиш этилди. Қуръони каримга ёзилган турли тафсирлар ҳақида ҳам маълумот берилди.

МУСУЛМОНЛАР КЎПАЙЯПТИ



Саудия Арабистонида айна пайтда тиббиёт, молия, ирригация, нефтни қайта ишлаш, спорт ва бошқа соҳаларда ишлаётган минглаб чет эллик мутахассислар бор. Мигрантлар орасида, албатта, ўз динига эътиқод қиладиганлар талайгина.

Мамлакат пойтахти Риёз шаҳридаги Ислום таълими жамғармаси бу борада кузатишлар олиб борди. Натижалар ўтган йили хорижлик бир юз эллик тўрт нафар эркак ва икки юз йигирма нафар аёл хорижлик Ислום динини қабул қилганини кўрсатди. 1993 йилдан бери ушбу кўрсаткич йигирма мингдан ортганини айтиш жоиз. Уларнинг кўпи Филиппин, Америка фуқаролари ва оврупаликлардир.

ЮЗ ЙИЛ ЎТИБ

Юнонистоннинг Салоники шаҳридаги “Йени” жоме масжидида деярли бир аср ўтиб, яна намоз ўқилди. Жоменинг ишга тушиши мамлакат мусулмонларини жуда қувонтирди. Ушбу мас-

жид 1902 йили Усмонлилар даврида италиялик меъмор Виталиано Позелли лойиҳаси асосида бунёд этилган. 1923 йилга қадар жоме ишлаб турган. Ўшандан бери бинодан кўرғазмалар зали сифатида фойдаланилган эди.

ИСЛОМ МОЛИЯСИ АНЖУМАНИ

Куала Лумпур шаҳрининг “Sasana Kijang” савдо марказида Ислום молияси бўйича анжуман бўлиб ўтди. Табдир Ислום сармоясини кенгаши ва Малайзиянинг Ислום молияси глобал университети билан ҳамкорликда ташкил қилинди.



Йиғилишда топ-менежерлар, тадбиркорлар, дин арбоблари ва ушбу соҳа мутахассислари қатнашди. Анжуманда Ислום банкиниги, менежмент, сармоядорлик, иш юритиш ва шу соҳага алоқадор турли масалалар муҳокама қилинди. Келажакда рўёбга чиқариладиган режалар тўғрисида ҳам келишиб олинди.

ТУРЛИ ДИН ВАКИЛЛАРИ ЙИҒИЛИШДИ

Киев шаҳридаги “Премьер Палас” меҳмонхонасида бўлиб ўтган динлараро анжуманда турли конфессия вакиллари, олимлар, диншунослар ва сиёсатшунослар иштирок этишди. Тадбирни Украина мусулмонлари идораси бошқа диний



ташкilotлар билан ҳамкорликда уюштирди. Йиғилишда диннинг замонавий дунёда тутган ўрни, ёш авлодни тарбиялашдаги аҳамияти ва мудҳиш воқеаларнинг олдини олишдаги муҳим вазифалари ҳақида баҳс юритилди. Анжуманда сўзга чиққанлар инсоният эътиқоди қандай бўлишидан қатъи назар дин руҳий жиҳатдан барчани бирлаштирувчи асосий омил эканини

таъкидлашди.

ҒАРОЙИБ БИНОЛАР



Саудия Арабистонининг шимоли-ғарбида, Қизилденгиз ёқасида жойлашган Табук вилоятида сув устида масжид барпо этилди. “Тавҳид” деб номланувчи масжид биносининг асоси ўн олти сантиметр ҳажмдаги қумга тўлдирилган қувурлар ёрдамида сув остига ўрнатилган. Ўтган жума бу жомеда илк жума намози ўқилди. Ғаройиб масжидлар кун сайин ортиб бормоқда. Канн марказида бунёд этилган икки минг метр квадрат майдонга эга масжид ҳам бошқа масжидларга ҳеч ўхшамайди. Учбурчак кўрсаткич шаклида қиблага қаратиб солинган масжиднинг на миносраси ва на қуббаси бор. Лапландияда (Швеция) эса муздан ясалган ғайриоддий масжидни декабр ойида қуриб битказиш режалаштирилди.

КАЛИФОРНИЯ МУСУЛМОНЛАРИ



Американинг Калифорния штати маркази Сакраменто шаҳрида “Калифорнияга Ислom кириб келиши” мавзуида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Унда мамлакатдаги барча Ислom марказлари вакиллари ва кўпгина зиёлилар иштирок этдилар. Улар Ислom динининг бу диёрда тарқалиши ва ҳозирги кунда мамлакат ҳаётида тутган ўрни хусусида сўз юритишди. Шунингдек, хориждан келган мусулмонларга моддий ва маънавий ёрдам қўлини чўзиш ҳамда уларни ижтимоий ҳимоя қилиш масалалари ҳам кўрилди.

ЯНГИ ИНТЕРНЕТ ТАРМОҒИ

Оврупа, Осиё ва МДХ давлатлари уламоларидан иборат гуруҳ “Салом, дунё” номли янги интернет ахборот тармоғи лойиҳаси устида иш олиб бормоқда. Режага кўра, узоғи билан уч йилда у машҳурлик борасида “Facebook” тармоғи билан беллаша оладиган даражага ета-

ди. Фойдаланувчилар сони бир юз эллик миллион нафардан ошиши кутилмоқда. Уни яратиш учун эллик миллион долларга яқин маблағ сарфланади. “Салом, дунё” уятсиз суратлар, беҳаё блоклар ва динимиз шарияти ман қилган турли хил рекламалардан холидир.

МАРКАЗ ТАҚДИРЛАНДИ



Оксфорддаги Ислom маданият маркази Буюк Британия қироличаси мукофоти билан тақдирланди. Бу даргоҳ 1985 йили Ислom тадқиқот маркази сифатида иш бошлаган эди. Ушбу ёрлиқ дин ва маърифат йўлида қўшган улкан хизматлари учун тақдим этилди. Ташкилот йигирма етти йиллик фаолияти мобайнида халқаро илмий-текшириш институтлари, марказлар ва машҳур Ислom олимлари билан ҳамкорлик олиб борди. Ислom маданият маркази ташкиллаштирилган халқаро анжуманларда шахзода Чарлз бир неча бор маъруза қилган.

ҚУРЪОН МАЪНОЛАРИ ЯПОН ТИЛИДА




Қуръони карим маъноларининг япон тилидаги таржимаси тайёр бўлди. Таржимон япон миллатига мансуб қирқ саккиз ёшли Иброҳим Савададир. Шу вақтга қадар бу тилга Қуръони карим маънолари етти марта таржима қилинган. Лекин уларнинг матни эскича услубда эди. Савада ёшлар осон тушунишлари ва ўзлаштиришлари учун оддий сўзлардан фойдаланган. Китоб халқаро экспертиза институти олимлари текширувидан ўтди. Бу Япония мусулмонларига хушxabар бўлди.

САЙЁХАТЛАР МАВСУМИ

Рамазон бу йили ёзнинг айна иссиқ пайтигача тўғри келяпти. Шу боис халқаро сайёхлик маркази барча туристик ширкатлар Рамазон ойида рўздорларнинг ҳурматини жойига қўйиш

ва керакли шарт-шароитлар яратиш савобли иш эканини алоҳида таъкидлаяпти. Муслмонлар саёҳатга кўп борадиган мамлакатлар асосан Малайзия, Туркия, Бирлашган Араб Амирликлари ва бир қанча Оврупа давлатларидир. Ҳозир ушбу мамлакатлар меҳмонхоналари ва сихатгоҳларида катта тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда.

МУСУЛМОНЛАРГА ХИЗМАТ



Американинг Миссури штатида истиқомат қилувчи Одил Имдоднинг йигирма саккиз ёшли акаси тўсатдан вафот қилди. Муслмонлар озчиликни ташкил қиладиган мамлакатларда марҳумни дафн этиш осон эмас. Имдод шундай муаммога дуч келди. Шунда у муслмонлар учун дафн этиш хизматини ташкиллаштиришга қарор қилди. “Ўлим ҳақ, ҳар бир оиланинг бошида бор, лекин кутилмаганда қазо қилган одамнинг яқинлари саросимага тушиб қолар экан. Мен буни ўз акамни дафн этишда кўрдим”, дейди Одил Имдод. Олдинлари бундай маросим марҳум яқинларига камида етти минг долларга тушар эди. Ҳозир эса мувофиқлаштирилган марказ барча ишларни ҳашар йўли билан бажаряпти.

МЕГАБАНК



Ислон Тараққиёт банки янги мегабанк ташкил қилиш тараддудиди. Бунинг учун бир миллиард доллар қийматга тенг “беш йиллик” қимматбаҳо қоғозлар тайёрламоқда. Бу лойиҳага банкнинг Бирлашган Араб Амирликлари, Саудия Арабистони, Малайзия ва бошқа бир қатор давлатларда фаолият олиб бораётган бўлимлари ҳамда Американинг йирик банклари ҳам жалб қилинди. “Бундай мегабанк очилиши муҳим воқеадир. Келажакда унинг баланси, капитали, таъминоти, маблағи ва салоҳияти дунё микёсида катта аҳамият касб этади. Яқин беш йилдан кей-


ин билим юрти, кутубхона ва касалхоналарни барпо этиш йўлидаги йирик лойиҳаларни амалга оширишда жуда қўл келади”, дейди ИТБнинг Дубай бўлими раҳбари Уфқхон.

ISESCO КЎРГАЗМАСИ



Таълим, фан ва маданият бўйича Ислон ташкилоти (ISESCO) Рим шаҳрида кўргазма ташкил этди. Италия палатаси биносида ўтказилган Ислон маданияти кўргазмасида қадимий қўлёзмалар, ҳаж ҳақидаги эски хариталар ва Жалолиддин Румий каби улуғ мутафаккирлар ижодидан намуналар намойиш этилди. Тадбирда Саудия Арабистони ва Марокашнинг мамлакатдаги фавқуллодда ва мухтор элчилари ҳамда Италия Ислон уюшмаси вакиллари иштирок этишди.

АТРОФ-МУҲИТНИ САҚЛАШ



Канада муслмонлари уюшмаси навбатдаги ўттиз саккизинчи йиғилишини ўтказди. Миссасу шаҳрида бўлиб ўтган ушбу анжуман табиатни муҳофаза қилишга бағишланди. Тадбирда мамлакатнинг кўзга кўринган уламолари қатнашди. Инсон учун ҳаёт манбаи бўлган сув мусоффолигини таъминлаш барчанинг бурчи экани, хусусан, муслмонлар бу борада ўрнатилган бўлишлари зарурлиги ҳақида маърузалар тингланди. Мажлисда тозаликка риоя қилиш масалаларига ҳам тўхталинди. Англиялик эколог Фазл Холид билим юртларида табиатни муҳофаза қилиш ва тозаликка эътибор бериш тўғрисида қўшимча дарслар ўтиш кўпроқ самара беришини таъкидлади.

ПРЕЗИДЕНТНИНГ АЙТГАНЛАРИ


Олмония президенти Хоаким Гок Ислон динига яхши муносабатда эканини ифодалаб бундай деди: “Ҳозирги кунда муслмонлар мамлакат аҳолисининг ажралмас қисмидир.



Мамлакатнинг ҳар томонлама ривожланиши, уни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш борасида улар муҳим аҳамият касб этади. Ушбу дин вакиллари аҳолимизнинг беш фоизини ташкил қилади. Биз фуқароларимизни дини, ирқи ёки миллатига қараб ажратиб қўймаслигимиз керак. Ҳолбуки, мусулмонлар илм-фан, ишлаб чиқариш ва садо-сотик каби бошқа соҳаларда асосий ўринлардан бирини эгаллашапти”.

ИЛК ЙИҒИН

Тбилиси шаҳрида Гуржистон мусулмонларининг биринчи йиғини бўлиб ўтди.



Анжуманда муфтий Жамол Покзода сўзга чиқиб, бундай деди: “Ўтган йили

Гуржистон мусулмонлари идораси бир қатор хайрли ишларни амалга оширди: Мамлакатда ягона мувофиқлаштириш тизими яратилди. Маҳаллий мусулмонлар сони озчиликни ташкил қилса-да, Ажардан Кахетигача ҳар бир ҳудудда мусулмонлар йиғинлари ташкил қилинди. Ҳукумат ёрдами билан мусулмонлар муборак ҳаж сафарига боришапти. Энди биз эмин-эркин ибодат қилишимиз ва яратилган ушбу қулайликлар учун Аллоҳга шукр айтишимиз лозим”.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.

Ислом маданияти пойтахтлари

Ислом Ҳамкорлик Ташкилотига (ИХТ) қарашли Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Халқаро Ислом Ташкилоти (ISESCO) ҳар йили ташкилотга аъзо Осиё, Африка ва араб мамлакатлари шаҳарларини “Ислом маданияти пойтахти” деб эълон қилади. 2005 йилдан йўлга қўйилган ушбу анъана мусулмон мамлакатлари ўртасидаги маданий алоқаларни ривожлантириш, Ислом маданиятига оид илмий-маърифий, тарихий-меъморий меросни ўрганиш, тиклаш ва тарғиб қилиш, динлараро ва маданиятлараро мулоқотни кучайтириш, турли мамлакатларнинг бу борадаги саъй-ҳаракатини қўллаб-қувватлаш ҳамда рағбатлантиришга хизмат қиляпти.

2007 йили Тошкент шаҳрига “Ислом маданияти пойтахти” деган юксак номнинг берилиши нафақат пойтахтимиз, балки бутун Ўзбекистон халқи учун улкан тарихий воқеа бўлди. Танлов таъсис этилганидан уч йил ўтибók Тошкентга ушбу мақомнинг берилиши пойтахтимизнинг нафақат Осиёда, балки бутун дунёда обрў-эътибори юксаклигидан далолатидир.

Таълим, фан ва маданият масалари бўйича Халқаро Ислом Ташкилоти (ISESCO) тўртта шаҳарга – Африка қитъасидан Нигерия Республикасининг Кану шаҳри, Саудия Арабистонининг Мадина ва Ливаннинг Триполи шаҳарлари, Осиё қитъасидан Афғонистоннинг Ғазна шаҳарларига ушбу мақомни берди. Яқинда ушбу ўзига хос танловнинг иккинчи босқич режалари ҳам эълон қилинди. Унда 2015–2024 йиллар мобайнида ташкилотга аъзо мамлакатларнинг қайси шаҳарлари юқоридаги эътирофга сазовор бўлиши ҳақида ҳам айтиб ўтилган. Қувонарлиси, ушбу режага асосан, 2020 йили юртимизнинг кўхна ва навқирон шаҳарларидан бири – Бухоро ҳам “Ислом маданияти пойтахти” деб эълон қилиниши кўзда тутилмоқда.

Халқаро ташкилот томонидан шаҳарларимизга берилаётган эътибор уларнинг янада гуллаб-яшнаши, тараққий этишига таъсир кўрсатади деб ишонамиз.

Мақсуд КАРИМОВ,
Халқаро алоқалар бўлими ходими

АБДУЛКАРИМ БАҲРИДДИН

Беморга шифо бер, соғларга – умр...

* * *

Тонгдан дилга тушди бир маъюс ҳасрат...
 Дўст сари отландим, йўлдан қайтмадим.
 Лекин дўстим эди жуда ҳам хурсанд,
 Мен ҳам кулиб турдим.
 Дардим айтмадим.

Бориб сўзлай дедим отам, онамга –
 Йўқ-йўқ, кўп озорлар етказдим ростдан.
 Озроқ ақлим кирди.
 “Бахтиёрман” деб
 Ота уйдан қайтдим дардим айтмасдан.

Кимга борсам, айтар ўз қувонч-ғамин,
 Мен фақат тингладим,
 Сўзлай олмадим.
 Бахтлиларнинг базмин келмади бузгим,
 Бахтсизларга баттар қайғу солмадим.

Айтсам бўлар эди ёрим, боламга,
 Кўнглимни ҳасратим ялар бетиним.
 Болам жилмаярди ёруғ оламга,
 Тинмай кулар эди бахтли хотиним...

Билдим,
 Ғамгин одам ёқмас ҳеч кимга,
 Ҳеч қайси маконда ёқмас кўзёши.
 Ё Аллоҳ,
 дардимни айтдим Ўзинга,
 Йўқдир Сендан бошқа менинг дарддошим...

* * *

Ё Аллоҳ, бандангман, дилафгор қилма,
 Номард эшигида талабгор қилма,
 Олам жамолига айлама ошиқ,
 Шоҳларнинг нонига харидор қилма.
 Хор қилма, хор қилма, хор қилма, Аллоҳ.

Дунё жуда гўзал, гулдай санамлар,
 Райҳоннинг баргида сузар шабнамлар.
 Нозикбел майсалар эшилиб ўйнар,
 Ўтар ширин кунлар, ойдин оқшомлар –
 Ўткинчи дунёга ёр қилма, Аллоҳ.

Зим-зиё коинот ичинда мен ҳам –
 Ёниб тугаётган милтироқ бир шам.
 Ўзинг мадад бергил! Сен қутқармасанг –
 Қутқара олмайди одамни одам,
 Инсонни инсонга зор қилма, Аллоҳ.

Дўстларга сабр бер, шодлигу шон бер,
 Яхшилик деганга ишонч, имон бер.
 Ҳамма ишимизни кўриб турибсан –
 Кўнглимизни кенг қил, дарёзабон бер,
 Йўллар – тор, дилларни тор қилма, Аллоҳ.

Борарман исмингни дилимда қутлаб,
 Бошимда айланар нотинч булутлар.
 Оёғимга тинмай осилар ўтлар,
 Безовта силкинар тераклар, тутлар.
 Дарахтни бешик қил, дор қилма, Аллоҳ.

Ўткинчи дунёга ёр қилма, Аллоҳ.
 Инсонни инсонга зор қилма, Аллоҳ.
 Йўллар – тор, дилларни тор қилма, Аллоҳ.
 Дарахтни бешик қил, дор қилма, Аллоҳ.
 Хор қилма, хор қилма, хор қилма, Аллоҳ...

* * *

Ноён,
 Бепоён,
 Улкан дунёда
 Инсон бир тўзиган гард каби, эвоҳ.
 Миллиард одамларга тўлган дунёда
 Ҳеч бир бандасини унутмас Аллоҳ.
 Кишини ғам билан қолдирма якка,
 Ҳеч кимни йўқликнинг қаърига отма.
 Номардга дил бергин, қувват бер мардга,
 Мени ҳам унутма

Токим қуёш чиқар ҳар тонг саҳарда,
 Коинотда ҳорғин ер кезар токим –
 Бу кенг самоларда,
 Қаро ерларда



Ўзингсан ҳоким,
Ё Раббим.
Беморга шифо бер, соғларга – умр.
Ёлғизга – йўлдошу, юпунга – тугма.
Очларга нон бергин, тўқларга – шукр,
Мени ҳам унутма.

Уйсизга уй бергин, йўлсизга йўл бер,
Сахрога – ёмғиру тоғларга – шамол.
Маддох фаҳм топсин, гунгларга тил бер –
Муаттар сўзларни айтсин бемалол.
Борларга инсоф бер, ғарибга – сабр,
Ботирга – тулпору олимга – рутба.
Ким ўлса, бер майин тупроқли қабр,
Мени ҳам унутма.

Ёзда нурлар сочгин, қишда қор ёғсин,
Кўкда – бургут, сувда балиқлар оқсин.
Кар қулоқлар ногоҳ очилсин, Аллоҳ,
Кўр кўзлар ярқ этиб оламга боқсин.
Сендан бошқа ҳеч ким бермас беминнат,
Кимдан ҳам тилайлик, воҳ, Сендан бошқа –
Шафқатни ҳеч кимдан Сен дариғ тутма,
Адашган барчани ҳақ йўлга бошла,
Мени ҳам унутма.


Нафсимни жиловла ва ҳирсни совут,
Руҳимни чархлагин, кўнглимни кенг қил.
Бешиқдан тушганнинг тулпори – тобут,
Бизни ҳам азизлар қошида тенг қил.
Беҳишт ариғидан асал сут ичир.
Тириклик гулини асло сўлитма.
Ғофилни кечиргин, ҳаммани – кечир,
Мени ҳам унутма...
Кечир.

* * *

*Бу дунёдаги одамлар уйқудалар,
ўлгач – уйғонадилар, надомат
чекадилар, аммо надоматлари уларга
фойда бермайди. Ўлимни шу дунёда
ўйланг. Надоматни шу дунёда
чекинг. Тавбани шу дунёда қилинг.
Дунё – Аллоҳни таниш учундир.*

Саҳл ибн Абдуллоҳ ТУСТАРИЙ

Балким, ҳали ёшман,
гоҳо бебошман,
балким, юксакларни
кўзлар тилагим
ва лекин қариди –



билдимки, тошмас –
чирпанди, чарчади
бу кун юрагим...

Биламан, бошланган
ҳар не тугайди –
япроқ хазон бўлар,
емирилар тоғ ҳам.
Сувлар оқиб кетар,
дарё қурийдир,
охир ўтин бўлар
яшнаган боғ ҳам.

Аллоҳ, мен Ўзингга
келдим оқибат –
равон эт тилимни,
очгил дилимни:
аччиқ ҳаёт учун
айтурман раҳмат
ва қақшаб кутарман
ширин ўлимни.

* * *

*Кўрдим: умр ва дунёдан кўра тез
ўтиб кетадиган, ўлим ва охиратдан
кўра яқинроқ, орзу-ҳавасдан кўра
бепоёнроқ, хотиржамликдан кўра
ғўзалроқ нарса йўқ, биродарлар.*

Нажмиддин КУБРО

Шукр, Аллоҳ, оламни яратдинг,
унда отам, онамни яратдинг
ва улардан мани яратдинг –
шукр, Аллоҳ, абадий шукр.

Шукр, олган нафасим учун,
муҳаббатим, ҳавасим учун,
изтиробим ва охиратни ўйлаб
ёшдай қалқиб турган юрагим учун –
шукр.

Борига – шукр
ва йўғида берган
сабринг учун шукр,
шукр, Аллоҳ.



Таваккулнинг сирини нимада?

“Таваккул” арабча сўз бўлиб, бир ишда ўзидан бошқага ишониш, суюниш маъносини билдиради. Шаръий истилоҳда дунё ва охираат ишларида манфаатни кўзлаш, зарарни даф қилишда қалбнинг Аллоҳга ишончини мустаҳкамлашдир. Зеро, бериш, бермаслик, фойда ёки зарар етказишга фақат Аллоҳ таоло Қодир эканига ишониш ҳақиқий имондир. Журжоний (раҳматуллоҳи алайҳ) айтади: “Аллоҳдан келадиган нарсага ишониш, бандалар қўлидаги нарсадан умидни узиш таваккулдир”.

Сабабларга эътиборсиз бўлиш, ҳаракат қилишдан тўхташ таваккулдан ҳисобланмайди. Чунки сабабларни ўринлатиш таваккул шартларидандир. Муоз ибн Жабал (розияллоҳу анҳу) бундай дейди: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Эй Муъоз, Аллоҳнинг бандаларидаги ва бандаларнинг Аллоҳдаги ҳақини биласанми?”, дедилар. Мен: “Аллоҳ ва Унинг Расули билувчироқ”, дедим. Пайғамбаримиз (алайҳиссалом): “Аллоҳнинг бандаларидаги ҳақи уларнинг Унга ибодат қилишлари ва бирор нарсани шерик қилмасликларидир. Бандаларнинг Аллоҳдаги ҳақи эса Ўзига бирор нарсани шерик қилмаган кишини азобламасликдир”, дедилар. Мен: “Ё Расулуллоҳ, одамларга бунинг хушхабарини берайинми?!” деб сўрадим. Пайғамбаримиз (алайҳиссалом): “Йўқ, агар хушхабар берсанг, одамлар шунга суюниб қолишади”, дедилар» (*Муттафақун алайҳ*). Ушбу ҳадисдан амални тарк қилиш, сабабларни таъминламаслик, беғам, лоқайд ва ғайратсиз бўлиш таваккулдан эмаслиги маълум бўлмоқда.

Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) ва ҳазрат Умарнинг (розияллоҳу анҳу) Мадинага кўчишларини солиштириб кўрган кишининг ҳаёлига: “Нима учун ҳазрат Умар очик-ойдин, мушрикларга таҳдид қилиб сарафга чиқдилар-у, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) яширинча, ўзларини эҳтиётлаб ҳаракат қилдилар?” деган савол келади. Жавоб

шуки, ҳазрат Умар (розияллоҳу анҳу) фақат ўзига, Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) эса бутун умматга масъул эдилар. У зотнинг вазифалари умматга уларнинг ақли етадиган барча усул ва воситаларни қўллашга тавсия беришдан иборат эди. Ётоқларига ҳазрат Алини (розияллоҳу анҳу) қолдириш, душманни чалғитиш учун Савр ғорида уч кун туриш, озиқ-овқат ва хабар келтиришга бошқа кишини тайинлаш каби ишлари сабаб ва воситаларни ўринлатиб, таваккул қилишга энг ёрқин мисолдир.

Мақсадга етиш йўлида Парвардигорнинг ҳикматга кўра жорий бўлган усул ва воситаларни мукамал адо этиш Аллоҳ таолога ишончни инкор этмайди. Аксинча, воситаларни бажариш, сабабларни ушлаш, жонларга хатар етишидан сақланиш шаръий мажбуриятдир. Қуръони каримда таваккулга ундалган оятлар кўп бўлиб, кундалик ҳаётимиздаги барча ишларда уларга амал қилишимиз лозим. Ишларимизга ёрдам ва ташвишларимизга энгиллик истаганимизда Аллоҳ таолонинг бу сўзини ёдда тутамиз: “**Агар Аллоҳ сизга нусрат берса, сиздан ғолиб келувчи йўқ. Агар сизни ташлаб қўйса, Ундан ўзга ким ҳам ёрдам берар эди? Мўминлар фақатгина Аллоҳга таваккул қилсинлар**” (*Оли Имрон, 160*). Ёмон кишиларга рўбаро келсак: “**Улардан юз ўгириб, Аллоҳга таваккул қилинг**”, (*Нисо, 81*), оятига амал қиламиз. Инсонларни яраштиришни хоҳласак, Аллоҳ таолонинг: “**Агар улар тинчликка мойил бўлсалар, сен ҳам мойил бўл. Ва албатта, Аллоҳга таваккул қил. Албатта, У эшитувчи ва билгувчи зотдир**” (*Анфол, 61*) оятини бошқаларга ҳам эслатамиз. Аллоҳ таолодан бизга ҳидоят келса, ишларимизда тўғри йўлга муваффақ қилса, буни шукр ва таваккул билан қабул қиламиз. Чунки ояти каримада бундай дейилган: “**Нима учун биз Аллоҳга таваккул қилмас эканмиз?! Ҳолбуки, У бизни йўлимизга ҳидоят қилди. Бизга берган озорларингизга ал-**

батта сабр қиламиз. Таваккул қилувчилар фақат Аллоҳгагина таваккул қилсинлар, дедилар” (*Иброҳим, 12*). Ватанимиз, динимиз душманлари ёмонлигидан ва шайтон хизматчиларининг фитнасидан омонда бўлишимиз учун Аллоҳга таваккул бош мақсадимиз бўлсин. Чунки Аллоҳ таоло: **“Албатта, имон келтирган ва фақат Парвардигорига таваккул қиладиганлар устидан у (шайтон) учун ҳеч қандай салтанат (ҳукмронлик) йўқдир”** (*Наҳл, 99*), ваъда берган. Фирдавс жаннати соҳибларидан бўлишни хоҳласак, Аллоҳга таваккул қилайлик. Чунки **“Улар сабр қилган ва Раббиларига таваккул қилганлардир”** (*Наҳл, 42*). Аллоҳнинг муҳаббатига сазовор бўлишни истасак ҳам Раббимизга таваккул қилайлик. Чунки Раббимиз: **“Аллоҳга таваккул қил. Албатта, Аллоҳ таваккул қилувчиларни севади”** (*Оли Имрон, 159*), деб марҳамат қилган.

Анас ибн Моликдан (розияллоҳу анху) ривоят қилинади: “Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Киши уйдан чиқаётганда, “Аллоҳнинг номи билан чиқдим ва Аллоҳга таваккул қилдим, куч-қувват фақат Аллоҳ биландир”, деса, унга (фаришталар нидо қилиб): “Ҳимояландинг ва тўғри йўлга йўлландинг”, дейишади ва шайтон ундан узоқлашади”, дедилар (*Имом Термизий*).

Динимиз амрларини мукамал адо этиш, маън этганларидан узоқлашиш таваккулдир. Таваккулчи бошқалар билан талашиб-тортишмайди. Чунки, у тақдирига ишонади. Имони комил бўлади, дини гўзаллашади. Аллоҳнинг муҳаббати, нусрати ва қўллаб-қувватлашига эришади. Ўзи хоҳлаган ишларни амалга оширишдан ожизлиги ва бунга фақат Парвардигор Қодир эканига ишонгани учун Аллоҳнинг ёрдами давомли бўлади. Шайтон ва маломатчи инсонлар ёмонлигидан омонда, хотиржамликда барқарор яшайди. Аллоҳга ва Расулига итоати рўёбга чиқади. Парвардигорнинг тақдирига рози бўлишга ўрганади. Машаққатларда енгиллик ҳис этади. Гуноҳларга каффорат олади. Ризқи кенгайди.

Адҳамжон ЮСУПОВ,
ТИИ талабаси

Муҳаддисларнинг даражалари

Ҳадис илмларига доир китобларда муҳаддисларга шу илмдаги даражаларига кўра турли унвонлар берилган:

“Ҳадисда мўминлар амири” (амирул муъминин фил ҳадис) ана шу унвонларнинг энг юксатидир. Бу даражага ушбу илмнинг етакчи имомлари бўлган жуда оз сонли олимларгина етишган. Уларга Шуъба ибн Ҳажжож, Суфён Саврий, Исҳоқ ибн Роҳуя, Аҳмад ибн Ҳанбал, Имом Бухорий, Доруқутний, кейингилардан Ибн Ҳажар Асқалонийлар (раҳматуллоҳи алайҳим) киради.

“Ҳофиз” унвони. Ҳофиз Миззий бу даражага бундай таъриф берган: “Бу даражага таржимаи ҳоллари, ҳолатлари ва юртлари билан билган ровийлари билмайдиган ровийларидан кўп бўлган олимлар киради”.

Абул Фатҳ Ибн Саййидин Нас эса: “Шайхлари, уларнинг шайхларини табақама-табақа билган, ҳар бир табақада билганлари билмаганларидан кўп бўлган муҳаддис ҳофиздир”, деб таъриф беради.

“Муҳаддис” ҳофиздан кейинги даражадир. Тожуддин Субкий бу унвон эгасига: “Иснодлар, иллатлар, ровийлар исмлари, олий ва нозил санадларни билган, кўпдан-кўп матнларни ёд олган, олти китоб, Аҳмад ибн Ҳанбал “Муснад”и, Байҳақийнинг “Сунан”и, Табаронийнинг “Муъжам”ини эшитган, шунга минг ҳадисий жузни қўшган олимдир”, деб таъриф берган. Сўнг: “Бу муҳаддиснинг илк даражасидир. Агар шуларга табақаларни ёзиш, шайхлар ҳузурига кўп қатнаш, иллатлар, вафотлар ва иснодларда ўз фикрини айтишни қўшса, етакчи муҳаддислардан бўлади”, дейди.

Кейинги унвон **“муснид”** дир. У ҳадисларни шайхлардан эшитиб, бошқаларга етказиш билан чекланадиган, ҳадис илмларини пишиқ билмайдиган кишидир.

Жамшид ШОДИЕВ
тайёрлади.

ДОВУД ВА СУЛАЙМОН

(алайҳимуссалом)

Аллоҳ Довуд ва Сулаймонга (алайҳимуссалом) ерда ҳокимлик, мол-мулкда кенглик ва илмда барака берди. Яна уларга одамларга қоронғи бўлган кўп нарсаларни билдирди. Шунингдек, уларга қурол-аслаҳалар берди, жинлар, ҳайвон ва ҳашаротларни бутунлай бўйсундирди. **“Қасамки, Биз Довуд ва Сулаймонга (етук) билим ато этдик ва улар: “Бизларни кўп мўмин бандалардан афзал қилиб қўйган зот – Аллоҳга ҳамду сано бўлсин”, дедилар. Сулаймон (пайғамбарлик ва илмда) Довудга ворис бўлди ва айтди: “Эй одамлар, бизга қушларнинг (ва барча жонворларнинг) тили билдирилди ҳамда (пайғамбар ва подшоҳларга бериладиган) барча нарсалардан берилди. Албатта, бу очиқ фазлу марҳаматнинг ўзидир” (Намл, 15–16).**

Аллоҳ Довудга (алайҳиссалом) тоғ ва қушларни у билан бирга тасбеҳ айтадиган қилиб бўйсундирди. Яна унга совут ясашни ўргатди ва темирни хамирдек юмшоқ қилиб берди: **“Аниқки, Биз Довудга (улуғ) бир фазл-мартаба ато этдик: “Эй тоғлар ва қушлар, (Довуд) билан бирга тасбеҳ айтинглар!”**. Ва унинг учун темирни (хамирдек) юмшоқ қилиб қўйдик. (Ва унга дедик): **“Совутлар ясагин ва (уларни) тўқишда аниқ-пухта иш қилгин! (Эй Довуд хонадони), яхши амал қилинглар! Зеро, мен қилаётган амалларингизни кўриб тургувчиман” (Сабаъ, 10–11).** Довуд (алайҳиссалом) бу каби неъматларга шукр қилар, Аллоҳга тавба-тазарру билан зикр, дуо ва тасбеҳ айтар, одамлар орасида ҳақ билан ҳукм чиқарар эди.

“Сулаймонга эса бўронли шамолни (бўйсундириб) унинг амри билан биз муборак қилган заминга (Шомга) эсадиган (қилиб қўйдик). Биз барча нарсани билгувчимиз. Яна шайтон-жинлардан (Сулаймон учун) ғаввослик қиладиган ва бундан бошқа ишларни ҳам адо этадиган кимсаларни (яратдик). Ва биз уларни (Сулаймоннинг амридан чиқиб кетмасликлари учун) қўриқлаб тургувчи бўлдик” (Анбиё, 81).

Бир қавмнинг тоқлари мева туккан эди. Қавмнинг қўйи кириб уни янчиб ташлади. Довуд (алайҳиссалом) қўйни тоқ эгасига беришга ҳукм

қилди. Сулаймон (алайҳиссалом): “Тоқ новдасини қўй эгасига берамиз. Тоқ унинг уйида ўз ҳолатини тиклаб олсин. Қўйдан эса тоқ эгаси фойдаланиб турсин. Тоқ новдаси олдинги ҳолига қайтиши билан ўз эгасига, қўй ҳам ўз эгасига қайтарилиб берилади”, деди.

Худхуд Сулаймоннинг (алайҳиссалом) хабарчиси, сувли ерлар ва аскарлар манзили ҳақида хабар берувчи “қўзи” эди. Кунларнинг бирида Сулаймон (алайҳиссалом) қушларни кўздан кечираётиб Худхудни топа олмади ва ғазабланиб, уни койиди. Худхуд бир қанча вақтдан сўнг қайтиб келди ва Сулаймонга (алайҳиссалом): “Сен ва лашкаринг огоҳ бўлмаган нарсдан огоҳ бўлдим ва ҳузурингга Сабаъ ва уларнинг маликалари ҳақидаги хабарни келтирдим. Уларнинг катта салтанати бор экан. Ўзлари ақлли, мол-мулкли ва шу билан бирга жаҳолатда экан. Улар қуёшга сажда қилади ва бу ишларининг моҳиятини туншунмайди”, деди.

Аллоҳнинг пайғамбарини мамлакатининг ёнгинасида у билмаган ва даъвати етиб борманган, ҳанузгача қуёшга сиғинадиган салтанат бор экани ғазаблантирди. Унда дин ва пайғамбарлик ҳамияти жунбушга келди. Шаҳарга қудратли аскарлари билан бостириб боришдан олдин мамлакатнинг мушрика маликасини Исломга даъват қилиб, итоат ва бўйсунушга чорлаб, мак-

туб ёзди. Мактубда хушмуомалалик билан жиддийлик, пайғамбар тавозеси билан подшоҳнинг қатъияти жамланган эди.

Малика оқилад эди, ҳукм чиқаришга ошиқмади. Лекин ҳали ҳидоят топмаган эди. Салтанат аъёнларини бу мактуб билан таништирди. Давлат арконлари эътибор қозониш ва тилғламалик қилиш мақсадида катта қўшин тортишни маслаҳат қилишди. Аммо малика уларнинг сўзларини қабул қилмади: “Мен Сулаймонга



ҳадялар жўнатаман ва уни синаб кўраман. Агар ҳадяларни қабул қилса, у подшоҳ бўлади. Шунда у билан жанг қилинлар. Агар тўхфаларни қабул қилмаса, у пайғамбардир. Унга эргашинлар”, деди.

Малика Сулаймонга (алайҳиссалом) ҳадялар жўнатди. Сулаймон (алайҳиссалом) юз ўгириб, улардан воз кечди. Сўнг: “Ширкинғизда ва мулкинғизда қолдиришим учун мол бериб, мен билан савдолашмоқчимисиз? Аллоҳ менга берган мулк, бойлик ва лашкар сиз эга бўлган нарсалардан яхшироқ”, деди.

Малика ва қавми бўйсунди. Сулаймон (алайҳиссалом) Аллоҳга ҳамд айтди. У маликага Аллоҳнинг мўъжизаларидан бирини кўрсатишни истади. Жинларга маликанинг тахтиравонини отлиқ қўшин етиб келгунига қадар келтиришларини талаб қилди. Оз фурсат ичида Сулаймоннинг (алайҳиссалом) истаган нарсаси рўёбга чиқди. Бу мўъжиза эди. Сулаймон

(алайҳиссалом) маликанинг фаросатини синаш учун тахтини танимайдиган қилиб, ўзгартириб қўйишга буюрди. **«Бас, у келгач: “Тахтинг шундаймиди?” дейилди. У: “Худди ўшанинг ўзи”, деди»** (Намл, 42).

Сулаймон (алайҳиссалом) малика учун ойнадан улкан қаср қуришни ва қаср остидан сув оқизиб қўйишни буюрди. Ойна ҳақида билмаган киши уни сув деб ўйларди. У ойнани оқадиган ва тўлқилланадиган нозик сув деб тушунди, оёқ-

ларини очиб, уни кесиб ўтмоқчи бўлди. Сулаймон (алайҳиссалом): “Бу чиннидан силлиқланган сув”, деб уни огоҳлантирди. Шунда маликанинг қалб кўзидаги парда очилди: зоҳирга қараб баҳолаб, қуёшга ибодат қилиб, адашганини билди. Ва: **“Парвардигорим, дарҳақиқат мен (қуёшга сиғиниш билан) жонимга жабр қилибман, (энди) Сулаймон билан бирга барча оламлар хожа-**

си – Аллоҳга бўйсундим”, дейишга ошиқди” (Намл, 44)

Аллоҳ Сулаймонга (алайҳиссалом) ҳикмат берди. Шунингдек, Аллоҳ унга пайғамбарлик берди. Яхудлар тўхматидан у зотни поклади: **“Сулаймон кофир эмас эди. Балки одамларга сеҳр ўргатадиган шайтонлар кофир эдилар”** (Бақара, 102). Ва яна: **“Биз Довудга Сулаймонни ҳадя этдик. (Сулаймон) нақадар яхши бандадир. Дарҳақиқат, у (Аллоҳ рози бўладиган йўлга) бутунлай қайтгувчидир”** (Сод, 30);

“Шак-шубҳасиз (Сулаймон) учун Бизнинг ҳузуримизда яқинлик ва гўзал оқибат (яъни, жаннат) бордир” (Сод, 40) деб марҳамат қилди.

Абулҳасан Надавийнинг
“Пайғамбарлар қиссалари” асосида
Юлдуз КОМИЛ
тайёрлади.

Икром НАЗРУЛЛО

**КЕЛ, ВАТАН МАДҲИНИ
БИРГА КУЙЛАЙЛИК**

Қувончу дардини баҳам кўрайлик
Ватан бир, бир умр бирга бўлайлик.
Йиғласа йиғлайлик, кулса кулайлик,
Кел, Ватан мадҳини бирга куйлайлик.

Дунёда боримиз, шонимиздир у,
Ҳеч кимга топтатмас шаънимиздир у.
Беминнат, беғараз, тотли нон-суви,
Кел, Ватан мадҳини бирга куйлайлик.

Бугунин, эртасин бирга кўрайлик,
Бағрида ўсмоқда навқирон авлод.
Порлоқ келажагин бирга қурайлик,
Кел, Ватан мадҳини бирга куйлайлик.

Инсон қадрининг ҳеч ўлчови йўқдир,
Уйинг обод бўлса, кўнглинг ҳам тўқдир.
Бироқ энг оғири ватансизликдир,
Кел, Ватан мадҳини бирга куйлайлик.

Меҳрин маҳкам жойлайлик кўнгилларга,
Ҳар қаричин тўлдирайлик тоза гулларга,
Қувонч, меҳр улашиб пок ниятли элларга
Кел, Ватан мадҳини бирга куйлайлик.

ВАТАН

Агар сенга Ватан керакдир,
Сен Ватанга кераксан.
Сен Ватан ичра-ю, меҳринг йўқ,
Сен Ватандан йироқсан.

Баландпарвоз сўзлар билан
Ватан қадри анланмас.
Агар билсанг, у бир тандир,
Сен ундаги юраксан.

* * *

Юлдуз бўлиб
Порлашим мумкин.
Кўёш бўлиб
Чорлашим мумкин.

Лек мен сенсиз,
Она Ватаним,
бўлолмасман
хатто бир учқун.



ОЙДИН ТУН

Ойдин тун,
Нозланиб сузмоқда малак.
Олис-олислардан милтирар юлдуз.
барибир юпун...

Нимадандир безовта юрак,
Соғинчданми, ғамдан билмадим.
Наҳотки мен ўз юрагимни
Бугун ўзим тушунолмадим.

* * *

Кунлар ўша-ўша, тунлар ҳам ўша,
гўёки ҳеч нима ўзгаргани йўқ.
Лекин юрагимнинг қай бир буржида
сезяпман оғриқ...

Балки бу шафқатсиз йиллар залвори,
балки бу умрнинг қайтмас баҳори.
Балки бу соғинчнинг унсиз шивири,
балки бу юракнинг илоҳий сири.

Кунлар ўша-ўша, тунлар ҳам ўша,
Гўёки ҳеч нима ўзгаргани йўқ.

ТЎРТЛИКЛАР

* * *

Ҳаёт синовлардан иборат, дўстим,
машаққат қўрғони ичра пинҳон бахт.
Чексиз коинотда муаллақ замин,
унинг бошида ҳам минг бир машаққат.

* * *

Ўзини овутиб ўтирар бола,
мурғак дунёсига ётдир қайғулар.
Унга тикилади мўлтираб она,
маҳзун юрагида ташфиш, орзулар...

* * *

Ичкилик бошни ҳам, кўзни нам қилур,
юзи йўқ, кўзи йўқ бир одам қилур.
Бу ҳам етмагандай, умринг қилиб кам,
ўзингни ўзингга қотил ҳам қилур.

* * *

Соғинган кўз, интизор юрак,
Йўларингга муштоқман гарчи.
Соғинчларни бардошга ўраб,
Мин ҳижрондан тузгум арғамчи.



Табиат ҳодисалари

Аллоҳ таоло яратган бу сирли олам инсониятни қадимдан табиатдаги ажойиб ҳодисалар билан лол қолдириб келган. Бир маромда эсаётган шамол кучайса, сокин ер силкинса ёхуд сокин уммон суви салгина тўлқинланса, одамзод дарров саросимага тушиб қолади. Бундай ҳодисалар фақат синов учунми ёки бошқа мақсадда содир қилиниши ёлғиз Яратганнинг ўзига аён. Шу йил май ойининг ўзида дунёда содир бўлган табиат ҳодисаларини кўздан кечирайлик.

14 май куни Хитойнинг Гуанжу вилоятида кучли жала қуйди. Натижада сув тошқини рўй бериб, эллик уч кишининг ҳаётига зомин бўлди. Бундан ташқари, дараксиз йўқолганлар ҳам бор. Фожиа икки минг олти юз етмиш бешта уйни вайрон қилиб, саккиз юз саксон тўрт минг аҳоли бошпанасиз қолди.

16 май куни Американинг Канзас, Оклахома, Айова ва Техас штатларида бирданига бир нечта қуюн ҳосил бўлди. Оқибатда тўқсондан ортиқ одам нобуд бўлди, уларнинг йигирма нафардан кўпи болалар. Юзга яқин тураржой бинолари вайронага айланди ва ўн мингдан кўпроқ аҳоли электрсиз қолди. Суғурта ширкатлари беш миллиард доллар зарар кўрди. Қуюн сабабли бир қанча ҳаво кемаси қатновлари бекор қилинди. Маҳаллий аҳолига бўрон ўтиб кетгунча махсус панада сақланиш тавсия этилди.

24 май куни Охота денгизида рўй берган ер силкиниши бутун Россияни ларзага солди. Саккиз баллдан кучли силкиниш Камчаткадан тортиб пойтахтгача етиб борди. Рязан шаҳридаги бир неча уйлар аҳолиси кўчирилди. Ер силкиниши пайтида кўчада юрган пиёда ёки автоуловда кетётган йўловчилар ҳам буни сезгани қайд этилди. Зилзила маркази ердан олти юз километр чуқурликда экани маълум бўлди.



25 май куни Ўзбекистонда беш ярим балли зилзила содир бўлди. У жумадан шанбага ўтар кечаси, маҳаллий вақт билан соат 03:18 да юз берди. Маркази Тўйтепа шаҳри. Табиий ҳодисадан зарар кўрганлар йўқ.

27 май куни Тинч океанида уч марта кучли ер силкиниши рўй берди. Энг кучлиси 8,0 балл бўлган. Маркази Киракир қўрғонидан 340 километр узоқда эди. Зилзила боис кўтарилган тўфон Соломон ороллари гача етиб борди. “Reuters” агентлиги хабар беришича, тўфон оқибатида беш киши ҳалок бўлган, бир нечаси эса жароҳатланган. Баъзи ҳудудлар сув билан қопланган. Соломон ороллари орқали узунлиги 40 км келадиган вулқонлар ва тектоник ёриқлар тизими ўтган. Тинч океани орқали Жанубий ва Шимолий Америка, Алясканинг жанубий қирғоқларигача борган ушбу тизма Япония, Филиппин ва Индонезия орқали ортига қайтади ҳамда Янги Гвинея, Янги Зеландия, жануби-ғарбий Океанияда тугайди.

Бунга ўхшаш – Коста-Рика, Мехико, Аляска худудларидаги вулқонларнинг фаоллашиши, Душанба ва Калифорния зилзилалари, Индонезия, Норвегия ва Доғистонда кучли селлар каби ўнлаб мисолларни келтириш мумкин.

Буларнинг кўпига одамзоднинг ўзи бир қадар сабабчидир. Табиий манбалардан аёвсиз фойдаланиш, зарарли газ чиқарувчи заводларни тўхтовсиз ишлаши, иқлим ва об-ҳавони бузаётган чиқиндилар кўпайиши ҳам охир-оқибатда кўнгилсиз ходисаларга олиб келади. Асрлардан бери оқиб турган тошқин дарёлар оқимини тўсиб, тўғонлар қуриляпти. Уларнинг пойдевори мутахассислар ўлчаганидек мустаҳкаммикан? Баъзи худудларда осмондан қор ўрнига кул каби модда ёғаётгани зарарли чиқиндиларнинг ерга қайтиб тушишидир. Соҳилларга ўлик сув ҳайвонларининг қалқиб чиқишига нефт конларининг мунтазам портлатилиши сабабчи десак, ҳақиқатга яқинроқ бўлади. Фойда қиламан деб экологияни заҳарлаш инсофданми? Бу қош қўяман деб кўз чиқариш эмасми?

Хуллас, инсоният атрофмуҳитни, она табиатни Аллоҳ яратганидек сақлаши ва эҳтиёт қилиши керак. Ҳатто, сувда сузаётган кема балиқларга, парвоз этаётган ҳаво кемаси қушларга зиён етказмаептими деган ўйда бўлишимиз мақсадга мувофиқдир.

Азизхон ҲАКИМОВ
тайёрлади.

Ҳаммаси бугундан бошланади

Бугун – келажакнинг илк куни. Бу эса, нима бўлган тақдирда ҳам, ҳали бошлаш учун имкониятнинг бор дегани. Гарчи жуда қийиндек туюлса-да, ўтмишда йўқотганларини қайтадан топиш учун йўл излаш инсонга куч беради, бардошли қилади.

Зеро, бизга ёмонликдай туюлган ишларда ҳам бир яхшилик, ҳикмат яширин. Фақат бунга ишонсак, ўша яхшиликни қидириш, топишга иштиёқ туғилади. Бунинг учун салбий деб билганимиз воқеа-ҳодисаларга бирма-бир боқсак, қўрқув эмас, умид билан қаршисига чиқа олсак, кифоя. Масалан, ҳаётимизда нохушлик билан тугаган муносабатлар бўлса, ўзимизга бундай савол берганимиз маъқул: “Мен бу муносабатлардан фойдали нарса ўргандимми? Ўзим билан боғлиқ нимани тушуна олдим?”

Агар бугунгача ҳеч бир ишда узоқ вақт ишлолмаган бўлсангиз, ўзингизга бундай саволларни бериб кўринг: “Мен бу иш жойларимда нималарни ўргандим? Ишимни давом эттиришим учун нималар қилишим керак эди? Бундан кейин нима қилишим керак? Яхши томонга ўзгариш учун тажрибаларимдан хулоса чиқара оламан? Бу ишларни танлашда янглишмадимми?”

Хотирангизда қолган ҳар бир яхши-ёмон воқеадан хулоса чиқаришга урининг. Ана шунда олдинга янада теранроқ боқа бошлайсиз. Зеро, бу ақлли инсонларнинг сири. Улар эриша олган марраларга сиз ҳам етиша оласиз.

Бошлаш учун кеч эмас, аксинча, воз кечиш афсусланиш учун жуда эрта. Бунинг тушуна олсангиз, ҳамма нарса осон ҳал бўлади. Ўттиз ёшдаги одам ўқиш ёки бир иш бошини тутиш учун кеч деб ўйласа, бошқа бири қирқ ёшида университет талабаси бўлганига хурсанд. Кимдир қирқ ёшида оила қуришга кечикканига афсус чекиб ўтирса, яна кимдир олти ёшида фарзандли бўляпти. Тўрт мучаси соғ одам енгилгани учун дунёга хафсаласиз боқса, мажруҳ кимса қахрамонлик даражасига чиқяпти. Бу инсонлар орасидаги ягона фарқ нуқтаи назарда. Тўхтаб қолганлар удалай олмасликлари сабабларини қидираркан, олдинги сафдагилар яна нималар қўлидан келишини чамалашади.

Шундай экан, тушунчаларингизга диққат билан назар солинг, интилишдан тўхтаманг. Бўлган ишлардан тўғри хулоса чиқаришга ҳаракат қилинг. Эртанги ҳаётингизга яхши ўзгаришлар киритиш, ранг-баранг оламларни очиш учун бугун ҳаётга ишонч билан жилмайиб боқинг.

Зебунисо ҲУСАЙН